*Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi*

# O‘ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN’ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA’NAVIY-MA’RIFIY, IJTIMOIY GAZETA

№ 22 (4577) // 2020-yil 26-iyun

*Адиблар хиёбони — маърифат бўстони*



Аҳмад ТЎРА олган суратлар

## ХИЁБОНДА ЎТГАН ОЧИҚ ДАРС

*Пойтахтнинг муҳташам Адиблар хиёбони айни кунда бутун халқимиз учун қутлуғ масканга айланди. Айниқса, бу хиёбоннинг юртимиз ёшлари учун маърифий, тарбиявий-маънавий аҳамияти ниҳоятда салмоқли бўлишига шак-шубҳа йўқ. Буни мазкур масканда мунтазам ўтказилаётган тадбирлар тасдиқлаб турибди.*

►2

## ТОШКЕНТДАН МЎЙНОҚҚАЧА

**Давлатимиз раҳбарининг ғояси асосида Алишер Навоий номидаги Миллий боғда атоқли шоир ва ёзувчилар, маърифат дарғаларига бағишланган Адиблар хиёбони яхлит меъморий ва бадиий композиция сифатида бунёд этилди. Уларнинг орасида қорақалпоқ халқининг улкан адиблари Бердақ, Ибройим Юсупов ва Тўлепберген Қаипбергеновнинг маҳобатли ҳайкали борлиги қалбимизни ғурурга тўлдирди.**

**Хиёбон кеча-кундуз ёшлар билан гавжум бўлиб, адабиёт, шеърият мухлислари, талабалар, аскарлар, санъаткорлар – барча учун сабоқ маскани, рамзий маънода очиқ осмон остидаги улкан кутубхонага айланди. Ёшлар орасида китобга, адабиётга муҳаббат туйғусини уйғотиш ҳам, Ватанга фидойилик, тарихий хотирани тиклаш ҳам, бори яхшиликлар, эзгу ниятлар мана шу бўстондан бошланади.**

**Юртимизда кенг қамровли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқдаки, нафақат Тошкент ёки Нукус сингари катта шаҳарларда, балки энг чекка овул ва қишлоқларда ҳам янгиланиш нафаси сезилиб турибди.**

►2

*Бугун Адиблар хиёбонида ўтаётган ҳар бир адабий мулоқот, учрашув, дарс ва баҳс-мунозаралар аввалида ҳазрат Алишер Навоий ҳайкалига гулчамбарлар қўйилади, маърузалар, фикр-мулоҳазалар мутафаккир шоир ижодиётидан олинган иқтибослар билан бошланади. Зеро, Навоийни англашга интилиш улуғ шоир даҳоси нурларидан қалби мунаввар бўлаётган маърифатпарвар халқимизнинг мақсад-муддаоси. Биз ҳам Хиёбон саҳнида ўқиган маърузаларимиз, Ҳазрат ижодиётидан уққанларимиз, илмий изланишлардан келинган фикр-хулосаларимизни қуйида баён этишга жазм қилдик.*

**Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,**
**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, филология фанлари доктори, профессор**

НАВОИЙНИ АНГЛАШ

## «БОРДИР ИНСОН ЗОТИДА ОНЧА ШАРАФ...»

Алишер Навоийнинг ҳаётий позициясида энг кўзга кўриниб турадиган жиҳат, бу — жамиятнинг ахлоқий пойдеворини мустаҳкамлаш, инсонлараро муносабатларда юксак маънавий қадриятларнинг устувор бўлишини таъминлашга ҳаракатдир:

**Ким бу чаман ичра хиромон эрур,**
**Борчаси бир-бирига меҳмон эрур.**
**Ҳар кишиким бор эса, ёре анга,**
**Ҳар кишиким ёр эса, боре анга.**

Инсонлараро муносабатларда шундай салбий жиҳатлар борки, Навоий фикрича, уларнинг касофати эзгулик ва меҳр-шафқат жамият маънавий ҳаётининг асосини ташкил этишига, жамият ривожига жиддий тўсқинлик қилади, инсоний қадриятларнинг topталишига сабаб бўлади. Бу иллатларнинг энг кўп тарқалгани раҳбарларнинг муросасиз бўлиши (бағрикенгликнинг акси), бойларнинг бахиллиги (саховатпешаликнинг акси) ва доно ҳамда ақлли кишиларнинг мол-давлатга ўч бўлиши (камтаринлик ва хокисорликнинг акси) бўлиб, бу уч иллат жамиятга озор берувчи энг хунук ҳолатлардир:

**Уч кишидин уч иш ёмон кўринур,**
**Санга арз айлай аҳли дунёдин:**
**Шоҳдин тундлуғ, ғанидин бухл,**
**Молға майлу ҳирс донодин.**

►4

## КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИ: МУАММО, ТАКЛИФ, МУЛОҲАЗАЛАР

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ёзувчилар уюшмаси, Ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида китобхонлик маданиятига бағишланган онлайн учрашув ўтказилди.*

ZOOM платформасида ташкил этилган тадбирда бугунги кунда кутубхона тизимидаги муаммо ва камчиликлар муҳокама қилинди. Бешта муҳим ташаббусни амалиётга жорий этиш самарадорлигини ошириш концепциясида белгиланган вазифаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича таклифлар берилди. Ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида 2020-2025 йилларга мўлжалланган “Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури”ни ишлаб чиқишда иштирокчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини жипслаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Тадбирда шунингдек, китобхонликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ахборот-кутубхона, таълим ва маданий-маърифий муассасалар, нашриётлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш бўйича маслаҳатлар берилди.

Китоб нашр этиш тизимини такомиллаштириш – муаллифлик ҳуқуқи, таржима, соҳалар кесимида китоб яратиш, китоб муаллифларини қўллаб-қувватлаш бўйича ўзаро фикр алмашилди. Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш бўйича берилган таклифлар муҳокамага ташланиб, мутахассислар фикрлари тингланди.

Ахборот-кутубхона муассасалари пандемия шароитидан келиб чиқиб, мутолаа маданиятини тарғиб қилишда масофадан хизмат кўрсатмоқда. Шуларни инобатга олиб, ёшларнинг китобхонлик маданиятини ривожлантиришда замонавий усуллар жорий этилиши, турли танловлар уюштириш, мактаблар ва олий таълим муассасаларида ёшларнинг китобхонлик ва ахборот маданиятини оширишга қаратилган ўқув дастурларини ўзгартириш ва ўқитишнинг янги усулларини ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

Китобхонликнинг самараси йўлида барча халқаро ҳамкорликни янада кучайтиришга келишиб олинди.

**Дилобар МАМАТОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Уруш... Инсон бўлиб дунёга келган ҳар қандай жонни “уруш” сўзи сескантириб юбориши тайин. Тарихда бўлиб ўтган урушлар инсоният бошига катта йўқотиш, машаққат ва мусибатлар олиб келгани ҳам аччиқ ҳақиқат. Етмиш беш йил ўтса ҳамки, XX асрни ларзага келтирган Иккинчи жаҳон урушининг жароҳатлари тинчликпарвар инсониятни қийнаб келаётир.*




## ТИНЧЛИК НЕЪМАТИНИ ҚАДРЛАБ

ЯНГИ НАШР

Айни кунда ҳам айрим қайноқ нуқталардаги бомба ва снарядлар портлашлари, охири кўринмайдиган урушлар инсониятнинг улкан фожеаси десак, хато бўлмайди.

Тинчлик аталган буюк неъматни қадрлаган, унга шукроналар айтган ҳолда, ўтган уруш ва йўқотишларни эсдан чиқармаслигимиз, айниқса, ота-боболарнинг жасоратини доимо ёдда тутиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Айни шу маънода Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси ҳамда “Ижод” фондининг молиявий кўмагида яқинда “Уруш, номинг ўчсин жаҳонда...” номли салмоқли китоб нашр этилди. Тўплам “Жанггоҳдан садолар”, “Мангу олов тафти”, Абадий саодат қўшиғи” ва “Уруш даври халқ қўшиқлари” деб номланган тўрт бўлимдан иборат.

Тўпламдан уруш иштирокчилари бўлган шоирлар, хусусан, Султон Жўра, Мамарасул Бобоев, Шароф Рашидов, Шуҳрат, Назармат ва бошқалар, қолаверса, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон ва бошқа кўплаб тўнғич авлод вакилларидан тортиб, бугун ижод қилаётган замондош шоирларимизнинг мавзуга оид шеърлари ўрин олган. Салкам олти юз саҳифага яқин китоб Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон ва таниқли шоир Муҳиддин Абдусамад томонидан тўпланиб, нашрга тайёрланган.

►3

*Ситора Зиёева ўзбек миллий рақс санъатига муҳаббати ва эришаётган натижалари билан тенгдошларига ўрнак бўлиб келмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон давлат Хореография академиясининг иқтидорли талабалари қаторидан жой олган С.Зиёева ёшлигидан рақс санъатига меҳр қўйди.*

## РАҚС – ҚАЛБ ШАРҲИ



Устозларининг сабоқлари ҳамда ўз устида тинмай ишлаши натижасида 2006 йили “Янги авлод” болалар ижодиёти фестивалида ғолиб бўлди. Кўрик-танлов даврида рақс устозлари назарига тушди ва 7-синфдан хореография билим юрти мактаб-интернатида ўқий бошлади. Таълим олиш жараёнида Ситора “Рақснинг сеҳрли олами” кўрик-танловда ҳамда турли давлат тадбирларида фаол иштирок этди. 2016 йил Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган халқаро “Орлео” рақс кўрик-танловида Бухоро мактабига оид “Ларзон” рақси билан қатнашиб, иккинчи ўринни эгаллади. Шундан сўнг Германия, Швецария, Чехия, Польша, Финляндия, Эстония, Латвия каби мамлакатларда ўтказилган бутунжаҳон миллий рақс фестивалларида қатнашиш бахтига муяссар бўлди. Бундан ташқари, хорижий давлатларда ўтказиладиган “Ўзбекистон кунлари” концерт дастурларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

ЙЎЛ БОШИДА

2018 йил мамлакатимизда илк бор ўтказилган “Бухоро жилолари” кўрик-танловида 3-ўринни эгаллаган Ситора миллий рақс соҳасидаги изланишларга жиддий киришди. Натижада 2019 йили “Ниҳол” давлат мукофоти совриндори бўлди ҳамда Европа бўйлаб турли рақс фестиваллари ва миллий рақс кўрик-танловларида иштирок этди. Шу йили Жанубий Кореянинг Андон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро фестивал доирасида 12 давлатдан келган 128 иштирокчи орасида бронза медалини қўлга киритди.

Ситора ютуқларининг сабаби юртимизда миллий рақсимизга берилаётган юксак эътибор ҳамда устозлари Дилбар Юнусова, Гулмира Мадраҳимова, Нигина Неъматова, Гулнора Мажидовадан олган сабоқларида, деб билади.

“Биринчи устозим онам Замира Хўжамқулова, — дейди қаҳрамонимиз. — Чамаси икки-уч ёшларимда телевизорда янграган куй-қўшиқларга рақсга тушаётганимни пайқаб, қўлимдан етаклаб санъат даргоҳларига олиб борган. Ўз касбимнинг моҳир ижрочиси бўлишим учун мени ҳамиша қўллаб-қувватлаган. Бор меҳрини, куч-қувватини аямай, менга қалб қўри билан таълим берган барча устозларимдан ҳам миннатдорман. Улардан олган билимларимни келажакда педагогик фаолиятим давомида ёш авлодга тўла-тўкис етказишга ҳаракат қиламан”.

**Рисолат АҲМЕДОВА**

# ХИЁБОНДА ЎТГАН ОЧИҚ ДАРС



Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Хиёбондаги шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳайкалига Миллий гвардия ҳарбий-техника институти бириктирилган бўлиб, яқинда курсантлар учун ташкил этилган "Бобур — XVI аср бунёдкори" мавзусидаги очиқ дарсни ўтиш менга топширилди. Миллий гвардия ҳарбий-техника институти курсантлари билан "Бобурнома"нинг рус тилидаги таржимаси юзасидан тадқиқот олиб борган олим Тўлқин Сайдалиев бошчилигида Адиблар хиёбонида очиқ дарс ташкил қилинди.

Ўттиз беш нафар курсант учун Бобур ҳайкали пойига стуллар жойлаштирилди, йиғиб ва ёйиб қўйиладиган китоб жавонига Бобурга тааллуқли китоблар қўйилди. Дарсимиз инглиз шарқшуноси, бобуршунос Вильям Рашбрукнинг Бобурнинг бунёдкорлик фаолиятига бағишлаб ёзилган "Ўн олтинчи аср бунёдкори" номли ноёб китобининг (инглиз тилидан Ғ.Сатимов, Х.Сўфиева таржимаси, 2011) мазмун-мундарижаси билан боғлиқ бўлгани учун дастлаб ушбу китоб хусусида сўз юритилди. Шу ўринда ушбу китобнинг ва Бобур ҳақида мамлакатимиз ҳамда хориж олиму адиблари томонидан битилган адабий, илмий китобларнинг ўқувчилар қўлига етиб боришида Бобур номидаги халқаро жамоат фонди амалга оширган кўплаб нашр ишлари хусусида тўхталиб ўтилди.

Ушбу мавзуда Бобурнинг "Бобурнома"да, муаррих қизи Гулбаданбегимнинг эса "Ҳумоюннома"да баён қилган Темурийлар Уйғониш даврида ва кейинчалик Бобурнинг ўзи томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, ақл ва қўл ихтиролари хусусида маълумотлар берилди.

Очиқ дарсда Бобур 1504 йилда яратган янги алифбо ҳамда "Бобурнома"да алоҳида хабар битган "Хатти Бобурий" тўғрисидаги маълумотимиз қизиқарли хабарларимиздан бири бўлди. "Хатти Бобурий" бўйича "Бобурий хати" (Кобул, 2005) номли рисола ёзган афғонистонлик бобуршунос олим Муҳаммад Ҳалим Ёрқин эълон қилган тадқиқотга ҳам таянилиб, ушбу рисола ҳам кўргазмада кўрсатилди.

Очиқ дарсда маърузаларни жон қулоғи билан тинглаётган курсантларга Бобурнинг фақиҳ сифатидаги буюк сиймосини таништирар эканмиз, кўпроқ "Мубаййин" асари асосида маълумотлар беришга ҳаракат қилдик. Нодир китобнинг профессор С.Ҳасанов, шоир М.Кенжабек тайёрлаган нашрларидан ташқари туркиялик бобуршунос олима Танжи Орал Сейҳан хоним тайёрлаган "Мубаййин дер фиқҳ" нашридан (Истанбул, 2004) ҳам унумли фойдаландик. Мазкур китобнинг курсантлар орасида қўлма-қўл бўлиб кетганидан билдикки, уларнинг нафақат Бобурнинг ҳарбий саркардалик фаолиятига, балки унинг билимдон фақиҳ олим эканлигига қизиқишлари кучли экан.

Учрашувда маърифатпарвар адиб Абдулла Авлонийнинг "Бобурнома" услубида ёзилган "Афғонистонга саёҳат" асарида тасвирланган "Боғи Бобур" ва бошқа адибларнинг Бобур ҳақида битган бадиий, маърифий характердаги романлари ҳамда Бобур номидаги халқаро жамоат фонди фаолияти, "Бобур энциклопедияси" ҳақида ҳам маълумотлар беришга ҳаракат қилдик. Ҳиндистонда Бобур ва бобурийлар империясининг 332 йил давомида амалга оширган бунёдкорлик фаолиятлари, дунё тамаддунига кўрсатган таъсири билан боғлиқ қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Адиблар хиёбонидаги улуғ адиб ва шоирлар ҳайкаллари пойида шаҳримиздаги турли олий ўқув юртлари талабалари иштирокида ўтказилаётган бундай очиқ дарслар ёшларнинг мазкур ижодкор ҳаёти ва ижодига қизиқишини янада кучайтиради. Демак, хиёбондаги бобурхонлик дарслари мунтазам давом этади.

**Буробия РАЖАБОВА,**
**Ўз ФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи етакчи илмий ходими**



# АДАБИЁТ КАҲКАШОНИДА

**Пойтахтимиз бағрида – буюклар каҳкашони,**
**Бунда халқим юраги, руҳи ҳамда иймони.**
**Адиблар хиёбони, адиблар хиёбони –**
**Қалби ишқу ижодга ҳабиблар хиёбони.**

**Бунда Навоий, Бобур – қувиб зулмат, риёни,**
**Яхшилик сари чорлар бор аҳли шуарони.**
**Фирдавсмонанд бу гулшан ўлмас руҳларга маскан,**
**Бамисли қалби ойдек латифлар хиёбони.**

**Адиблар хиёбони, адиблар хиёбони –**
**Удир халқим юраги, руҳи, ўчмас иймони.**
**Асрлар қаърин ёриб, бунда тутмишлар макон,**
**Бебаҳо сўз мулкининг не-не хазинабони.**

**Огаҳий, Бердақ ҳамда Муқимий, Фурқат шунда,**
**Беҳбудию Авлоний, Ойбекнинг нур осмони.**
**Бунда Қодирий, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Шайхзода,**
**Ибройим Юсуф шунда – элнинг уйғоқ виждони.**

**Тўлепберген оғамиз бироз ҳорғин кўринар,**
**Тонг-ла ошиб келгандай улуғ Амударёни.**
**Бу жой гўё оламга кўз-кўз этиб тургандай,**
**Ўзбегим қалбидаги ажиб меҳригиёни.**

**Бунда Ҳамид Олимжон ҳамда Зулфияхоним –**
**Ишқ бирла садоқатнинг мангу сўнмас достони.**
**Саид Аҳмад домлаю хоксор Саида опам,**
**Турар аччиқ қисматнинг икки фидойи жони.**

**Боғда Абдулла Қаҳҳор, ҳам Озод домла кезар,**
**Ҳар бир янги асарга бериб одил баҳони.**
**Янграр Абдулла Ориф жўшқин қалб изҳорлари,**
**Устоз Эркин Воҳиднинг ўлмас "Ёшлик девони".**

**"Ўзбекдайин танти эл кўрмадим", – деб Файнберг,**
**Бу боғни макон тутмиш, кезиб жумла жаҳонни.**
**Бунда Муҳаммад Юсуф ўйчан кезар шеър битиб:**
**"Фидоси бўлгумдир, деб, азиз Ўзбекистонни!"**

**Эй юртдошим, қалбингга гар нур истамоқ бўлсанг,**
**Ҳаётингга ёруғлик, сурур истамоқ бўлсанг,**
**Келиб бир бор кезиб чиқ адиблар хиёбонин,**
**Қалби ишқу ижодга ҳабиблар хиёбонин.**

**Шунда ногоҳ қалбингда бир нур уйғонажакдир,**
**Ўзлик, ўзбеклигингдан ғурур уйғонажакдир.**
**Илму одоб, маърифат, ижод алангасидан —**
**Сенинг ҳам юрагингда бир олов ёнажакдир.**

**Адиблар хиёбони, адиблар хиёбони —**
**Удир халқим юраги, руҳи, ўчмас иймони.**
**Эзгулик маёғидай чорлаб тургай тоабад,**
**Юракларга улашиб мангу ўчмас зиёни.**

**Зикрилла НЕЪМАТ**

# ТОШКЕНТДАН МЎЙНОҚҚАЧА



Давоми, бошланиши 1-саҳифада

"Оққан дарё оқаверади", деганлари бежиз эмас, бир пайтлар Амударё тўлиб оққан қирғоқларга яна одамлар келиб, чор-атрофда болаларнинг қувноқ шовқин-суронлари янгради. Кечқурун гулханлар ёқишиб, шўх-шўх қўшиқлар айтилиб, давра қизиди.

Юртимизда табиий қийинчиликларга қарамасдан болаларимизнинг ёзги дам олиши кўнгилдагидек ташкиллаштирилмоқда. Бу йил ёз мавсумида Қорақалпоғистон Республикасининг олтита энг гўзал гўшасида иш бошлаган янги дам олиш масканларида юзлаб мактаб ўқувчилари яйраб дам олишади.

Айниқса, Ўзбекистонимизнинг энг ғарбий ҳудудида жойлашган Мўйноқ туманида болалар учун ёзги дам олиш оромгоҳи очилиши кичкинтойлар ҳаётидаги қувончли воқеага айланди.Бугун юртимиз катта қурилиш майдонига айланаётгани, қурувчиларимизнинг меъморий санъати ва маҳорати тобора ортаётгани "Оқ кема"га киришданоқ кўзга яққол ташланади. Нақшинкор дарвозалар, янгидан ётқизилган йўлаклар, моҳирлик билан ясалган елканли кема ёш авлод тарбиясига юртимизда қанақа эътибор қаратилаётганидан дарак беради.

Ўтган аср охирига келиб экологик офат ёқасига келиб қолган, кичик овулга айланиб бораётган Мўйноқ тумани Президентимизнинг ташаббуси билан қайта тикланди. Бугун Мўйноқ замонавий инфратузилмага эга, саноат корхоналари барпо этилган, марказида спорт мажмуаси, адиблар хиёбони, маданият саройи мавжуд гўзал шаҳарга айланди. Давлатимиз раҳбари ҳар сафар Мўйноқ ҳақида тўлиб-тошиб гапириши бежиз эмас. Оролқум бағридаги бу жойда сўнгги уч йил мобайнида амалга оширилган ишлар бундан бир аср аввал ҳам қилинмаган.

"Оқ кема" болалар оромгоҳининг Орол бўйида очилишида ҳам рамзий маъно бор. Авваллари "экологик муаммоли ҳудуд" дея одамлар қочадиган маконда бугун шундай замонавий иншоот қурилиб, кучоғига ҳаммани чорлаши давлатимизнинг зўр куч-қудратидан далолат беради. "Оқ кема" болалар оромгоҳининг очилиш маросими тантанага айланди. Қорақалпоғистоннинг чекка туманларидан, шунингдек, Хўжайли туманидаги "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари, Нукусдаги Ибройим Юсупов номидаги истеъдодли болалар мактаб-интернати ўқувчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси ўринбосари, Ўзбекистон Қаҳрамони, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Мусо Ерниязов бошчилигидаги бир гуруҳ меҳмонларни гуллар билан кутиб олди.

"Оқ кема" янгидан барпо этилган боғ ўртасида жойлашган. Боққа экилган дарахтлар бамисоли эртанги кунимиз эгаси бўлган болаларимиздек келажакда "ҳосил мўл бўлиши"дан дарак бериб турибди.

Оромгоҳнинг очилиш маросимида сўзга чиққан М.Ерниязов Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган "Оқ кема"да дастлабки дам олувчи болаларни қутлади.

Болалар номидан сўзга чиққан М.Каримов ва Д.Абилгазиева яратилган шундай ғамхўрликлар учун давлатимизга, Президентимизга раҳматлар айтди ва шундай Ватанга муносиб фарзандлар бўлишга ваъда берди.

Шундай қилиб, Оролда "Оқ кема" суза бошлади.

**Кенгесбой КАРИМОВ,**
**Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,**
**Қорақалпоғистон халқ шоири**

*27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни* ►3

# ЎЗИМИЗНИНГ ЖУРНАЛИСТЛАР



*Университетни битирганимизга 30 йил бўлибди. Биз ўқишга кирган пайтда гуруҳимиз 50 кишидан иборат эди, битиргунча ўқишни ташлаб кетганлар, бошқа факультетга ёки гуруҳга ўтиб кетганлар ҳисобига 4-5 нафарга камайганмиз. Ҳаммамиз журналист дипломини олганмиз, лекин орамизда ҳеч қачон журналист бўлиб ишламаганлар ҳам бор. Ҳаёт шундай экан: тақдир одамни қаерга бошласа – бошлайверади, дипломини сўраб ўтирмайди.*

Масалан, менинг ёнимда, яъни "Бухоро шифокори" газетаси таҳририятида Ҳамзабек исмли қирқ ёшни қоралаб қўйган шогирдим бор, йигирма йилдан буён турли газеталарда ишлаб келади. Ҳозир ҳам иккинчи иш жойи бор: "Қоровулбозор тонги" туман газетаси. Баъзан жаҳлим чиққанда унинг муҳаррири билан тортишиб ҳам қоламан: "Ҳамзабек бугун менга керак, сизга бормайди! Ўзингизга бошқа мухбир топинг!" Лекин у ҳам Ҳамзабекни қўйиб юборгиси йўқ. Чунки бунақа чаққон ва қобилиятлисини топиш қийин. Ҳамзабекнинг бир армони бор: олий маълумотли деган дипломи йўқ. Ўн беш йиллар олдин журналистикага ҳужжат ва имтиҳон топшириб кўрди, лекин омади келмади. Мустақил билим олди. Иш жараёнида маҳорат оширди. Дипломи бўлмаса ҳам энди унинг яхши кадр, моҳир журналист, ижодкор сифатида ўрни бор. Ҳамзабек ёш ижодкорларнинг Зомин семинарида қатнашган, иккита қисса ва шеърий китоблари нашр этилган.

Дарвоқе, ижод масаласи. Биз ўқиган Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультетига ҳар доим бадиий ижодга қизиққан ёшлар ҳужжат топшириб келган. Мамлакатимизнинг кўпгина таниқли шоир ва ёзувчилари (айни вақтда турли матбуот нашрларининг муҳаррирлари ҳам) шу факультетни битириб чиққанлиги ҳам буни исботлайди. Чунки ёзувчилар тайёрлашда филология факультетларидан кўра журналистика факультетининг салоҳияти каттароқ эканлиги бор гап.

Агар мендан ҳозир "Чет эл журналистлари билан ўзимизнинг журналистлар ўртасида қандай фарқ бор?" деб сўрашса, ҳеч иккиланмай шундай жавоб қилган бўлардим: чет эл журналистлари репортёр-журналистлар, бизникилар эса ижодкор-журналистлар!

Бу гапимни исботлаш кўп уринишни талаб қилмайди, фақат Ўзбекистон журналистикаси тарихига бир назар ташлаш кифоя. XX аср бошларида, яъни бундан юз йил муқаддам миллий уйғониш ва инқилоблар жараёнида бизда газета ва журналлар пайдо бўлди. Уларнинг ташкилотчилари, муҳаррирлари, мухбирлари кимлар эди? Беҳбудий, Авлоний, Мунаввар Қори, Ҳамза, Фитрат, Қодирий (Жулқунбой), Чўлпон... Аксарияти ёзувчи, драматург ва шоирлар. Хўш, нима учун ўзимизнинг журналистлар кўпроқ бадиий ижод сари интиладилар?

Биринчидан, қанчалик аччиқ бўлмасин, бир ҳақиқатни тан олишимиз керак: мустабид даврнинг энг яхши журналистик, яъни публицистик мақолалари, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлари ҳам "КПСС XXV съезди қарорларидан руҳланган..." ёки "Партия ва ҳукуматимиз қарорларини оғишмай амалга ошириб бораётган..." қабилидаги шаблон жумлалар билан бошланар ёки тугалланар эди. Бу мажбурий журналистика эди, эркин журналистика эмас. Иккинчидан, ошкоралик ва демократиядан изоляцияланган тузумда қандай қилиб журналистлар эркин фаолият юритиши ва журналистика тараққий этиши мумкин? Мустақилликка эришганимиздан кейин ҳам журналистларимиз қўрқув ва маддоҳлик психологиясидан бирданига қутула олмадилар-ку!

Ҳа, бизда журналистика билан бадиий ижод шундай қўшилиб кетганки, уларни бир-биридан ажратолмайсиз. Бунинг яхши томони ҳам, ёмон томони ҳам бор. Ҳозир бу ҳақда гапирмоқчи эмасман. Яхши томонини шоир-ёзувчилар, ёмон томонини ҳақиқий журналистлар тушунишади. Кези келганда айтиш керакки, юз йил олдин Хеменгуэй ҳам, Жек Лондон ҳам тирикчилик учун журналистлик (мухбирлик) қилишган.

Ўзимизнинг журналистларни асло камситмайман, ахир ўзим улар орасидаман. Агар дунёда журналистлар учун синов мактаби керак бўлса, Ўзбекистонга келишсин. Бизникиларнинг хорижга чиқиб ўрганишга эҳтиёжи йўқ.

Ўзимизнинг журналистлар ўзимизнинг халқимиз тинчлигини, хурсандчилигини, бахтини ўйлайди, ҳолбуки, ўйлаш учун бошқа нарсалар ҳам кўп.

Яна бир гап: репортёр-журналист ва ижодкор-журналистлар ҳақида. Менингча, шу пайтгача давлат бошқарувига керак бўлмаган репортёр-журналистнинг роли Ўзбекистонда ҳам бугун ошди. Интернет ахборот тармоғи ривожланиши билан блогерлар деган бир тоифа пайдо бўлди. Мен айтаётган Ғарб матбуотига хос репортёр-журналистлар айнан шулар эмасми? Лекин матбуот деган оғиркарвон, ақлли соҳада ишлаётган ўзимизнинг журналистлар ҳам анойи эмас. Уларнинг ўрнини блогерлар боса олмайди. Ўзимизнинг журналистлар бугун сиёсатга халқ танлови орқали кириб келишяпти. 4-5 йил олдин ўз фикрини матбуотда айтолмаган бу қатлам энди бемалол айтаяпти, ёзаяпти. Эътиборлиси шундаки, олдин мамлакат Парламентига журналистлар юқоридан танлаб олинган бўлса, энди қуйидан сайлаб олиняпти. Бўлмаса, "Бухоро" телевидениесининг журналисти Умида Раҳмонова Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат бўлармиди? Парламентимизнинг энг фаол депутатларидан бири Расул Кушербаев ҳам журналист. Наврўз Ризаев ва яна мен билмаган ўнлаб журналистлар бугун Парламентда ўз сўзларини айтишяпти. Ўзимизнинг журналистлар улар.

Демак, журналистикамизнинг, матбуотимизнинг эртанги кунига ишонч бор.

Хуллас, ўзгаришлар катта. Лекин хулосамиз аниқ: ўзимизнинг журналистлар бор бўлишсин, омон бўлишсин! Мен ушбу айёмда икки қўлимни кўксимга қўйиб, бугун 70-80 ёшни қаршилаган отахон, онахон журналистларга ҳам, кирчиллама ёшда от сураётган тенгдошларим ва ука-сингилларимга ҳам, эндигина журналистикага қадам қўйган ўғил-қизларимизга ҳам ҳурмат ва таъзимдаман. Чунки улар ўзимизнинг журналистлар!..

**Саидбурхон ҚОДИРОВ.**
**Бухоро вилояти**

# УРУШ, НОМИНГ ЎЧСИН ЖАҲОНДА...

Султон ЖЎРА

## СОҒИНЧЛИ САЛОМ

*Қизчаларим Румия, Нурия ва Илҳомияларга*

Ҳой, жанубга учган қуш!
Кел, ёнимга бирпас туш.
Қизларимга хат берай,
Андижонга ташлаб уч!
Эй гули ғунчаларим,
Олтин юлдузчаларим,
Тиллари чучук-чучук,
Бири-биридан кичик,
Гирғиттон қизчаларим,
Жон-жон нинничаларим.
Силаб-сийпаб жингалак
Ва ипак сочингиздан,

"Айланай" деб эркалаб,
Ўпиб кўз-қошингиздан
Салом ёздим, кўп салом,
Сон-саноғи йўқ салом.

Сезаманки ўтган ҳар –
Ҳар куну ҳафта сайин,
"Дадамиз қачон келар?"
Деб кутмоқдасиз доим.
Соғинибсиз зор-зор,
Тўғри, ичикмоқ қийин.
Бироқ кўришмоқ ҳам бор,
Ҳар соғинувдан кейин.
Мен-чи? Қачон қайтаман?
Ҳозир қилмай баёнин,
Ўқинг шу ҳикояни,
Сўнгра жавоб айтаман.

Шароф РАШИДОВ

## ҒУНЧА

Менга, гўзал, юбординг
Оқ шохида рўмолча,
Рўмолчага солинган
Кўп чиройли бир ғунча.

– Ғунча, дебсан, иккимиз
Меҳр кўйган чин ҳаёт,
Ғунчани узмоқ истар
Ажал олиб келган ёт.

Ғунчани ҳимоя қил,
Жоним, сендан сўроғим,
Мен – бир чаман, сен боғбон,
Асра уни, чароғим.

Зафар учун яшайман,
Жангда туғилсин иқбол,
Ўн еримдан ўқ есам,
Ёв олдида бўлмай дол.

Жанг ичида, гўзалим,
Олов бўлиб ёнаман,
Ажал келтириб ёвга,
Тўлқин бўб тўлғонаман.

Меҳр кўйган чин ҳаёт,
Сен юборган гул-ғунча,
То ўлгунча асрайман,
Гул бўлиб очилгунча.

*1942 й.*
*Ғарбий-шимолий фронт*

Ҳамид ОЛИМЖОН

## ҒАЛАБА ҚЎШИҒИ

Фашизм – одамзод учун қора доғ келди,
Қуёш нурига қарши чанг билан тупроғ келди.
Ўлакса устидаги қузғун билан зоғ келди;
Ёлғиз менинг Ватаним бахт ўстирар боғ келди.

Кундузни тун деб ўйлаб сарҳадга келди ўғри,
Кўршапалак охири оташга келди тўғри.
Тушар доим эсимга – ўзбек мақолидир бу:
Ким аввал мушт кўтарса,
албатта, қўрқоқ келди.

Гитлернинг ичда қилган қарғишини билардик,
Ер тагида илоннинг изғишини билардик;
Ғофил деб ўйламасин, ҳар ишини билардик,
Ўрмонда бўри билан шер олишар чоғ келди.

Душманнинг тепасида ёзиб пўлат қулочин,
Калхат билан олишгай осмонда зўр лочин.
Тарихнинг ҳукмидир бу:
бизникидир зафар чин,
Қутурган селга қарши осмон бўйи тоғ келди.

Ҳозир бўлсин фашизм ер тагида чиришга,
Мана биз кўкка учдик, тепасида киришга,
Одамзод гуноҳимиз, қойил қолсин бу ишга,
Душманларни ер билан яксон қилар чоғ келди.

*1941*

ЗУЛФИЯ

## ЎҒЛИМ, СИРА БЎЛМАЙДИ УРУШ

Тўлишарми ўлкада баҳор,
Қуёш кезар осмон кўксида.
Қалдирғочлар қанотми қоқар,
Ундан соя лаби устида.

Мана, ўғлим лаби устида
Қалдирғочнинг майин қаноти.
Ўспириним тоза кўксида
Кунда ошар янги ҳис тоти.

Бўйи ошиб кетди бўйимдан,
Боса олар кўксига бошим.
Севгим қуриб берган уйимда
Ўсди менинг катта йўлдошим.

Юрак тўла шодлик, меҳр, бахт,
Унинг кўзларига боқаман.
Нигоҳидай тиниқ ва ёрқин
Орзу тўлқинида оқаман.

Орзулари қалбимга зийнат,
Ҳаётидир кўзим қораси.
Ўкинаман, баъзида фақат,
Ёнида йўқ унинг отаси.

Уруш, номинг ўчсин жаҳонда,
Ҳамон битмас сен солган алам.
Сен туфайли кўп хонадонда
Ота номли буюк шодлик кам.

Юлдинг ота демак бахтини,
Жуда мурғак гўдакларимдан.
Яхши ҳам бор шундай Ватани,
Далда бўлди юракларимга.

Ота бўлиб солдим мен йўлга,
Она бўлиб меҳримга олдим.
Мана, юртга ўғил ўстирган
Бир давлатманд бой бўлиб қолдим.

Қанча ишонч, умид бахш этар,
Ҳам Ватанга, ҳам менга бу дил,
Қоя каби ёнимдан чиқиб,
Суян, – дейди, – кифтимга дадил.

Мен онаман, менинг юрагим
Фарзандларим қувончига кон.
Дил орзиқар, баъзан тилагим
Ваҳималар ўраган замон.

Йўқ, урушнинг номи ҳам ўчсин,
Менинг ўғлим керак ҳаётга.
Истамайман, унинг дудлари
Қўнсин лаби узра қанотга.

Бас, бас, эзгу оналар қалби,
Яшай олсин бехавф, бахт билан.
Меҳнатимиз, ғазаб, севгимиз
Тинчлик, дейди бутун халқ билан.

Кўкрак сути ва меҳнат билан
Биз жаҳонга берганмиз турмуш,
Она қалби оёққа турса,
Ўғлим, сира бўлмайди уруш!

*1954*

Шарофжон ОРИФИЙ

## КУЗАТУВ

Жангга кетди йигит, қолди ёр,
Оқ йўл тилаб унинг изидан,
Дилда ҳадик ва изтироб бор,
(Ўқиб олдим буни кўзидан).

Ишонгил, эй жангчининг ёри,
Қоши қоранг бўлур баҳодир,
Жаҳолатга қарши курашар,
Ғолибликни олишга қодир.

Жанг боради катта майдонда,
Эзгу ҳаёт, бу Ватан учун.
Тиним бермас мардлар фашистга,
Олаётир улардан ўчин.

*1942*

ОЙБЕК

## САЛОМ ДЕБ ҚОЛДИЛАР

Қиличдай йигитлар, ботир оғалар,
Эй, ўзбек халқининг жасур авлоди,
"Салом!" деб қолдилар оқ соч оналар,
Сиздадир эрта-кеч бобойлар ёди.

"Салом!" деб қолдилар гўзал боғчалар,
Булбуллар тинмаган гулзор майса ҳам.
Сизнинг меҳнат билан обод далалар,
Дейди ёвни қувсин йигитлар илдам!

"Салом!" деб қолдилар қоматдор қизлар,
Ёрларки сочлари тақимга тушган.
Диллари, кўзлари, сизларни излар,
Йўқлар тонг елидан, кўкдаги қушдан.

Лекин ҳаммасининг бир орзуси бор,
Разил ёвни қувмоқ ва илдам енгмоқ.
"Салом!" деб қолдилар ота-она, ёр,
Зафар-ла қучишсин йигит-келинчак!

Қувингиз фашистни, ботир оғалар,
Кўзларга сурмадир Ватан тупроғи.
"Салом!" деб қолдилар оқ соч оналар,
Сиздадир эрта-кеч бобойлар ёди.

*1942*

ШУҲРАТ

## ЯХШИ ҚОЛ, ТОШКЕНТ

Яхши қол, эй Тошкент – эй, она шаҳрим,
Киндигим қони бор сенда, унутма.
Унутма кетди деб севинчпарварим,
Муҳаббат жомини асло қуритма!
Қуритма, келаман энтикиб, чанқаб,
Ғоз туриб тутасан, ичаман алқаб,
Орамиз қанчалик бўлса ҳам йироқ,
Шунчалар яқиндир юрагим бироқ,
Сен демак – юртимнинг юраги демак,
Сен демак – халқиму ўлкамни севмак!

Эркин ВОҲИДОВ

## БОҚИЙ ХОТИРА

Ўйлайман, очилса ҳар йил навбаҳор
Мовий кенгликларда алвон лолалар,
Булар лола эмас, ёт элларда зор
Лолага айланган аскар болалар.

Ўйлайман, офтоб уйғониб саҳар,
Кунчиқар уфқига тикканда ялов,
Бу гулгун шафақмас, осмонга қадар
Бевалар оҳидан туташган олов.

Ўйлайман, ҳар кеч шамс етса заволга,
Борлиқнинг тугамас мотами ростдир.
Тун эмас, оналар эгнида қолган
То маҳшар ечилмас қора либосдир.

Юр, болам, Майдонга борайлик бугун,
Қўлингда дона гул яноғингдек ол.
Бу гул сенинг бахтинг, шод кулгинг учун
Фидо бўлган бобонг қалбига тимсол.

Йўқ, сен ўзинг гулсан, ватанинг – чаман,
Улғай, асл зотинг унутма сира.
Билки, қадр билмас аслида – ватан,
Ватаннинг маъноси боқий хотира.

Ғафур ҒУЛОМ

## ВАҚТ

*Менга соат тақдим этган жияним майор*
*Ҳамидулла Ҳусан ўғлига бағишланган*

Ғунча очилгунча ўтган фурсатни
Капалак умрига қиёс этгулик,
Баъзида бир нафас олгулик муддат
Минг юлдуз сўниши учун етгулик.

Яшаш соатининг олтин капгири
Ҳар бориб келиши бир олам замон.
Коинот шу дамда ўз куррасидан
Ясаб чиқа олур янгидан жаҳон.

Ярим соат ичида туғилиб, ўсиб,
Яшаб, умр кўриб ўтгувчилар бор;
Кўз очиб юмгунча ўтган дам қиммат,
Бир лаҳза мазмуни бир бутун баҳор.

Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун
Олтиндан тарозу олмосдан тош оз.
Нурлар қадами-ла чопган секунднинг
Барини тутолмас айюҳаннос овоз.

Йигит термилади қизнинг кўзига,
Киприк сузилиши, майин табассум...
Кўша қаримоққа муҳр бўлади
Ҳаётда икки лаб қовушган бир зум.

Яшаш дарбозаси остонасидан
Зарҳал китоб каби очилур олам,
Тириклик кўркидир меҳнат, муҳаббат,
Фурсатдир қилгувчи азиз, мукаррам.

Бебаҳо дамларнинг тирик жони биз,
Ҳар они ўтмишнинг юз йилига тенг.
Ўзбекнинг барҳаёт авлодларимиз,
Ҳар нафас мазмуни фазолардан кенг.

Қатрада осмон акс этганидек
Жаҳондай маънодор қорачиғимиз.
Ғолиб асримизга қуёшдан машъал,
Замон қўрасининг сўнмас чўғимиз.

Замона соати занг урар мудом,
Минглаб ҳодисалар минутларга қайд,
Қаҳрамон туғилди, шаҳар олинди,
Бир гигант қурилди шарафли бу пайт.

Рейхстаг устига ғалаба туғин
Қадашда отилган адолат ўқи

Ялт этган умри-ла барқарор қилди
Башарнинг муқаддас, олий ҳуқуқин.

Ғалаба амри-ла, мағлуб немиснинг
Генерали қўл қўйди. Уч секунд фақат...
Шу малъун имзода одамлар ўқир
Миллион йил фашистнинг умрига лаънат.

Азиз асримизнинг азиз онлари
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.

Шуҳрат қолдирмоққа Геростратдек
Диана маъбадин ёқмоқ шарт эмас,
Кўпларнинг бахтига ўзликни жамлаб,
Шу улуғ бинога бир ғишт қўйсак бас.

Ҳар лаҳза замонлар умридек узун,
Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал,
Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун
Қудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал.

Ҳаёт шаробидан бир қултум ютай
Дамлар ғаниматдир, умрзоқ соқий.
Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди,
Умримиз боқийдир, умримиз боқий.

*1945*

Абдулла ОРИПОВ

## АЁЛ

Йигитлар мактубин битганда қондан,
Келинлар фироқдан чекканда ёҳу,
Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан,
Ўн тўққиз ёшида бева қолди у.

Севгидан етиму умрдан ярим,
Қуриган кўксида ёлғиз беланчак.
Абадий фироқни, ҳайҳот, дўстларим,
Абадий висол деб билди келинчак.

Қақраган лабларда оловли нафас,
Кечалар кечмишин айлади кўмир.
Паришон сочлари ёр кўкси эмас,
Муздайин болишда қолди бир умр.
Йиллар ҳам ўтдилар, ҳамон у ёлғиз,
Мунғайиб термулар боттувчи кунга.
Эй номард табиат, борми сенда ҳис,
Қайтадан бахт берсанг бўлмасми унга?!

Наҳот ишқ қисмати бунча бераҳм,
Бунчалар буюксан вафо шеваси.
Сенгадир ҳурматим, сенга шарафим,
Қаҳрамон жангчининг содиқ беваси.

Сиз-чи эй, садоқат сатридан нолиб,
Надомат комида қолганлар, айтинг.
Ўзини минг битта бозордан олиб,
Минг битта бозорга солганлар, айтинг.

Шу чўлпон кўзларнинг буюк ҳурмати,
Шу ақиқ лабларнинг рост сўзи дея,
Сўйланг-чи, вафонинг надир қиммати,
Сиз ҳам кутганмисиз бирор сония?!

Баъзида тирноқлар безаги учун,
Саҳардан шомгача қилурсиз тоқат.
Бироқ ёрингизни кутгали нечун,
Топилмас тирноқча сабру қаноат.

Назокат пайтимас, яқинроқ келинг,
Буюк зот қошида айлангиз салом.
Шу содиқ бевага саждалар қилинг,
Шу содиқ бевага айланг эҳтиром.

Ҳатто зеб-зийнатни юлқиб зиёда,
Ҳайкал ҳам қўйингиз бамисли хаёл.
Шундайлар бўлмаса агар дунёда,
Бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл.

Мамарасул БОБОЕВ

## ЎҒИЛ МАКТУБИ

Салом сенга, меҳрибон она,
Ҳам жанговар, ҳам муштоқона,
Жанглар сари бўлган равона,
Майдонларда кезган ўғлингдан.

Елдай учиб келди саломинг,
Шод айлади мени поёминг,
Тилда доим меҳрибон номинг,
Жанг қиламан, она, номингдан.

Айтганингдай, мардлар бириман,
Ватанимнинг ботир эриман,
Арслониман, ғолиб шериман,
Қайтма, – девдинг, босган йўлингдан.

Илк сўзимда – қароримдасан,
Жанг қилганда қаторимдасан,
От чопганда қанотимдасан,
Ажратмадинг бирпас ёнингдан.

От чопганда мардлар сараси,
Гумбурлади тоғлар дараси,
Зор қақшади фашист галаси,
Оширмадим уни тоғингдан...

Топтатмайман юртим, боғимни,
Ўчирмайман бахт чироғимни.
Йиғлатмайман меҳрибонимни,
Туз ичганман, она, қўлингдан.

Байроғимни тутиб бораман,
Тулпоримда учиб бораман,
Зафарларни қучиб бораман,
Умидим бор келин тўйингдан.

*1943*

Раҳим БЕКНИЁЗ

## КУТ, ОНА

Айриликда кечди не йиллар,
Онагинам қолди йироқда,
Мен ғарбга, у менга интилар,
Кеча-кундуз кўзи мен ёқда.

Қўйинг, она, ғамни, андуҳни,
Ўқдан, ўтдан омон чиқар мард.
Ёвга санчдик қасос тиғини,
Гумдон бўлди душман номли дард.

Эртами кеч очиб кенг қулоч,
Мен ҳовлига кириб бораман,
Ясайман-да қиличдан ўроқ,
Пахта экиб, буғдой ўраман.

*1945. Польша*

Тўра СУЛАЙМОН

## БЎЛМАСА

Сайёралар нотинч, уммонлар нотинч,
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.
Наслу насаб нотинч, замонлар нотинч,
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Не қилсин давраю дилда шодмонлик,
Барча қитъаларда қут, фаровонлик,
Қўшинда собитлик, элда омонлик,
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Кўнгилга сиққайми қўш сурнай саси?
Тиниб-тинчигайми тўплар наъраси?
Хотиржам тургайми тинчлик қалъаси?
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Чексиз само бўлмас тиниқ, беғубор,
Қўналға, маконсиз кезар кабутар.
Барча ерга бирдай келмагай баҳор,
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Мағриб нотинч бўлса, безовта машриқ,
Дўст-дўстдан имдодин тутмагай дариғ.
Қаер зулмат ичра, қаердир ёруғ,
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Элчилар кўнглида ғулғула мудом,
Хавфу хатар кезар қадам-бақадам.
Қай бир бегуноҳнинг кўзларида нам,
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Файз не қилсин боғу бўстон ичинда,
Тўй ўрнига аза – достон ичинда.
"Қараб туриш йўқдир!" – фармон ичинда
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Шавкат РАҲМОН

## УРУШ СУВРАТИ

Сув ўрнига қон шимаётган
халоватсиз, бечора замин.
Ҳасрат билан ерга қарайди
чиқармасдан худолар дамин.

Қонга ботган дунёни кўриб,
азобларга беролмасдан дош,
улкан, қизил қуёш ҳар куни
олиб кетар узоқларга бош.

Кетаётир тубсиз мозийга
кўланкасиз йигитлар сафи,
қизлар қолар куз оғушида
унутилган мевалар каби.

МИРТЕМИР

## ҚОРА КЎЗЛИ

Қора кўзли ва гул дийдор,
Баҳор чоғи мени ёд эт!
Хиёбонда кезар бўлсанг,
Наҳор чоғи мени ёд эт!

Қора кўзли, сўлим дилдор,
Сенга айтай сирим ошкор,
Агар кечса кечанг бедор,
Саҳар чоғи мени ёд эт!

Қора кўзли, вафоли ёр,
Ажаб хилват, чаманзор бор,
Кўзинг тушса – этар хумор,
Хумор чоғи мени ёд эт!

Қора кўзли ва гул дийдор,
Бўлай жангда шижоаткор,
Агар ўлсам, сўрай такрор,
Баҳор чоғи мени ёд эт.

Тўра ЖУМАН

## ОЙГА БОҚҚИН

Ойга боққин, мен ҳам боқаман,
У ерда ой тиниқ ва чаман.
Топталмаган, лекин бу жойда
Ой хирадир, осмон қоп-қора.
Кезиб юрар ёнғинлар дуди,
Қийнар дилни бамисли яра
Порох ҳиди ҳамда қон ҳиди.
Ёвни енгиб, яна сен билан
Соф ҳаводан ололсам нафас,
Энг улуғ бахт мана шу, деймаn,
Бу дунёда тинч яшасак, бас!

*1943. Курск фронти*

Муҳаммад ЮСУФ

## БИР КУНИ

Бир куни
Бир алвон замон келади,
Замин узра омон-омон бўлади.
Ўн йилми,
Юз йилми ўтиб орадан,
Урушлар,
Низолар кетиб орадан,
Тўплар –
Адирларда буғдой ўради,
Танклар –
Далаларда пахта теради.
Миллатлар,
Элатлар,
Оқ тан, қора тан
Ҳаммаси
Ҳазрати инсон бўлади,
Олам гулистон бўлади.
Бир куни…
– Шоирлар-чи, бобо,
Шоирлар нима бўлади?
– Уларнинг шодликдан
Юраклари ёрилиб ўлади.

# «БОРДИР ИНСОН ЗОТИДА ОНЧА ШАРАФ...»

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

Инсон такомиллашувига катта зарар етказадиган ушбу иллатлар, Геродот айтганидек, "қадимдан инсонга хос бўлиб, ҳамиша қўрқув, хавотир, жаҳл, бағритошлик, ёвузлик, душманлик каби унсурлар билан уйғунлашиб келади. Шоҳнинг тундлиги натижасида юзлаб бегуноҳ одамларнинг ёстиғи қуриши мумкин бўлганидек, бой кишининг бахиллиги шафқатсизликдан дарак беради.

Дононинг мол-мулкка ружу қўйиши, ҳирс қурбонига айланиши, айниқса, жамият учун ҳалокатли бир ҳолдир. Дононинг тубанлашуви инсониятнинг тубанлашувидир. Юнон афсонасига кўра нафис санъатлар кашфиётчиси бўлган машҳур уста Дедал ўзига Талос исмли жуда қобилиятли йигитни шогирдликка танлаган экан. Кунлардан бир кун Талос илоннинг жағини топиб олибди-да, у билан дарахтни ниҳоят нозик қилиб арралабди. Буни Дедал кўргач, кўнглида ҳасад уйғонибди ва санъатда ўзидан ўтиб, унинг обрўсига соя туширмаслиги учун уни қалъадан иткитиб юборибди. Халқ тез орада воқеадан воқиф бўлгач, Дедални жазога маҳкум этган экан.

Тасаввуф таълимоти ҳар бир нарсанинг қарама-қарши, тескари томони мавжудлигини, ҳаётнинг курашдан иборат эканлиги, ҳар бир нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси мавжуд бўлиб, оламнинг боқий эмаслигини тушунтиради. Масалан, ботиний (кўринмас) олам ва зоҳирий (кўринувчи) олам, ҳаёт-ўлим, билим-нодонлик, ирода-иродасизлик, қувват-заифлик, эшитиш-карлик, кўриш-кўрлик ва шу кабилар.

Навоий ижодиётида ҳам барча ундан олдинги мутасаввиф — мутафаккир шоирлар ижодида бўлгани сингари нафс ва тамага қарши қаноат, ҳиммат, саховат, худбинликка ва ҳасадгўйликка қарши жавонмардлик каби улуғ фазилатлар қарама-қарши қўйиб келинади. Навоий ёзади:

**Ҳар кимки, қаноат тарафи нисбати бор,**
**Барча эл аро тавозуъу иззати бор,**
**Улким, тамаъу ҳирс била улфати бор,**
**Яхши-ёмон ичра зиллату накбати бор.**

Қаноат қанча роҳат ва фароғат бўлса, унинг акси бўлган тамада шунча разиллик ва уқубат бор, дейди Навоий.

Инсон бу ижтимоий иллатлардан устун турмоғи, Навоий айтганча "ўзни мақсад манзилига" чоғламоғи, яъни камолот сари интилмоғи лозим:

**Молу мулк, ҳар недур соликка банд,**
**Тўрт такбири фано урмоқ баланд,**
**Ҳар неким ғайри талабдур, ташламоқ,**
**Ўзни мақсад манзилиға бошламоқ.**

Навоийдаги солик, бу — тасаввуф тариқатларидаги дарвеш ёки биродарлар эмас, балки жамиятнинг оддий аъзоларидир. Мақсад-манзили ҳам, тасаввуфда айтилганидек, фано ва бақо мақомлари ёки Аллоҳ билан қўшилиш мақоми эмас, балки маънавий, ахлоқий, илмий юксалишнинг олий даражасидир. Солик агар ҳаётда қаноатли бўлса, унга яшаш учун зарур бўлган талаблардан ўзга нарсаларга эҳтиёжи қолмайди. Бу эса инсон онгини заҳарлаб турган кўпгина иллатлардан фориғ бўлиш ва комил инсон даражасига етишишнинг гаровидир:

**Элға шараф бўлмади жоҳу насаб,**
**Лек шараф келди ҳаёву адаб...**
**То бу васила била топиб қабул,**
**Мақсади аслий сори бўлғай нузул.**

Маълумки, тасаввуфда Ҳаққа етишиш йўлида Солик "шариат", "тариқат" ва "ҳақиқат" манзилларидан ўтиши керак. Бунда у Аллоҳни билишнинг қуйидаги ҳолатларини бошидан кечиради: аввал оламни билиш мушкуллигидан қўрқиб саросимага тушиш, ҳайронликда қолиш, кейин ташқи дунё нарса-ҳодисаларини мушоҳада эта бошлаш, зоҳирий мушоҳададан аста-секин моҳиятни идрок қилишга ўтиш. Моҳиятнинг улуғворлигини ҳис этиб, уни кашф қилиш билан руҳий-тафаккурий қониқиш туйиш.

Алишер Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр" достонида кўнгил таърифига берилган "Уч ҳайрат"и тасаввуфдаги билиш назариясининг бағоят гўзал тасвирланган ифодасидир. Билиш уч поғонада ўтади:

1. Илм ул-яқин. (Ўқиш, ўрганиш, мантиқий хулоса чиқаришдаги назарий билимлар, масалан, олов куйдиришини билиш каби.)

2. Айн ул-яқин. (Кузатиш оқибатида қатъий хулосага келиш. Масалан, олов куйдирганидан сўнг рўй берадиган ҳолатни мушоҳада қилиш.)

3. Ҳаққ ул-яқин. (Идрок қилиш, ўзида ҳис қилиш. Масалан, оловда ўзи куйиб, куйиш не эканлигини англаш каби.)

Инсон ўзлигини, моҳиятини билиб борар экан, руҳини палид унсурлардан тозалай боради, ахлоқан покланади. Бу унинг такомиллашишига, Ҳақ моҳиятига яқинлашишига олиб боради. Бироқ у йўл жуда



машаққатли бўлиб, ошиқ кўп риёзатлар чекиши муқаррар:

**Лек Семурғ истаган ул жомъи тайр,**
**Ким сулук ичра риёзот бирла сайр.**
**Айлабон чун ўзни қобил қилдилар,**
**Ул талабдин васл ҳосил қилдилар.**
**Сенда ҳам билқувва ул мавжуд эрур,**
**Феълға келса даво мақсуд эрур.**

Семурғ (Ҳақ)ни излаб чиққан қушлар, дейди Навоий, кўп риёзатлар чекдилар ва васлга эришдилар. Сенда ҳам шу қувват мавжуд, фақат яхши ишлар мақсадга етказади. Бу масалада Боязид Бистомийнинг ажойиб таъбири бор. У инсоннинг ҳар иккала қўли ўнг бўлиши керак, дейди. Ўнг қўл фариштаси яхши ниятларни, чап қўл фариштаси инсон йўл қўйган ёмон ишларни ёзиб бораркан. Агар ҳар икки қўл хайрли ишлар билан банд бўлса, бу инсон Аллоҳнинг сахий қулидир. Шунда Навоий айтганидек:

**Бордур инсон зотида онча шараф,**
**Ким ямон ахлоқин этса бартараф.**
**Бўлмаса фиръавнлиғнинг пайрави,**
**Қолмас ондин жуз сифоти мусавий.**

Азиз Насафий "Зубдат ул-ҳақоиқ" асарида инсон йўли ҳақида шундай дейди: "Сулук — араб тилида юришни билдиради. Демак, солик ташқи оламда, шунингдек, ички оламда деса ҳам бўлади, сайр қилувчи кишидир. Сулук — Худога қараб йўл олиш. Агар сўзларимни тушунмаган бўлсанг, бошқача тушунтираман. Билки, тасаввуфда сулук ёлғон сўзлардан яхши сўзларга, ёмон ишлардан яхши ишларга, бефойда хислатлардан яхши хулққа ва ўз вужудидан Олий Зот (Аллоҳ)нинг вужудига юришдир. Шу фазилатларга эга бўлгач, маърифат нурлари унга пешвоз чиқадилар ва у (солик) оламдаги нарсаларнинг асл қиёфасини кўради, яъни у Ҳақ вужудида қайта туғилади".

Алишер Навоий "Лисон ут-тайр" достонида шундай бир эпизодни келтиради. Унда бир қуш: "Иблиси лаин макр-ҳийла билан мени ярамас ишларга ундайди, кўнглимга ҳар хил васвасалар солади. Ундан қутулишга ҳеч бир ақлим етмайди", деб Ҳудҳуддан маслаҳат сўрайди. Ҳудҳуд айтадики, "инсоннинг ёмон йўлдан боришига шайтон эмас, нафс сабабчидир, чунки нафс шундай бир балоки, унинг олдида ҳатто юзта шайтон ҳам ип еча олмайди:

**Нафсинг онча кўргузур талбисни,**
**Ким, қилур шарманда юз иблисни.**
**Сенки ёр ўлдунг бу янглиғ нафс ила,**
**Не учун шайтондин эткайсен гила?**

Демак, нафс — инсондаги энг ёмон иллат. Нафсдан фориғ бўлмаган киши ишқни бу гуноҳ чиркидан поклаши зарур. Нафснинг даҳшатли бало эканлиги шундаки, агар қаноат кўп яхши хислатларнинг ибтидоси бўлса, у ёмонликларнинг ибтидосидир. Масалан, нафси бузуқ одам мол-дунёни яхши кўради. Оқибатда вужудини мағрурлик эгаллайди. Мағрурлик манманликни, манманлик худбинликни келтириб чиқаради ва ҳоказо.

Шунингдек, нафс таманинг ҳам онасидир. Нафси бузуқ инсоннинг кўзи ўзгалар чўнтагида, бахтида, фаровонлигида. Навоий буни қоралар экан, ёзади:

**Кўп олтин, кумуш сори қўл сунмоғил,**
**Ки тутсанг кафтингни қора занг этар.**
**Кўнгилда доғи майлини асрама,**
**Ки, кўнглунгни доғи ҳомул ранг этар.**

Инсоннинг ўз меҳнати билан ҳалол кун кўриши ўзгаларга қарамлик ва мутеликдан келиб чиқадиган турли салбий ижтимоий кўринишлардан сақлашини шоир шундай тушунтиради:

**Синуқ сафолким, май дурдин ичкали, топсанг,**
**Қабул айлагил жоми салтанат Жамдин.**
**Иликка кирса қуруқ нон, маош учун чекма,**
**Нашот неъматининг миннатини Ҳотамдин.**

Инсон ҳаётдан мағрур, бошини тик кўтарган ҳолда ўтишни ният қилса, саховатпеша бўлсин, дейди Навоий ҳадиси шариф кўрсатмалари асосида. Зеро, берувчи қўл ҳамиша юқоридадир:

**Кишики, илгини устун тилар, сахо қилдик,**
**Қўлида заҳри Ҳалоҳилу гар Хизр суйидир.**
**Ки, бергучи агар ўлсун гадою олғучи шоҳ,**
**Берур илик юқорию олур илик қуйидир.**

Сахийлар қайси тоифа ва табақадан бўлмасин, улар асл инсонлар бўлиб, ҳамиша эл ғамида, юрт дардига шерикдирлар. Шу сабабли уларни эл-юрт ҳурмат қилади, иззатини жойига қўйиб, бир умр яхшилик билан эслайди, шоир ёзганидек, икки дунё саодати уларга ёр:

**Кирмагай жаннат ичра ҳеч бахил,**
**Гарчи ул бўлса саййиди курайший.**
**Бормагай дўзах ичра сахий,**
**Филмасал бўлса бандаи ҳабаший.**

Ҳа, эгриликни билмаган одам ҳеч қачон ёлғон гапирмайди. Ёлғон эса инсонни турли мудҳиш хатоликларга дучор қилади. Оқибатда турли жиноятлар содир бўлиши ва инсоннинг маънавий инқирози, тубанлашувига олиб келиши муқаррардир. Оқил инсоннинг вазифаси донишмандларнинг ўгитларига қулоқ осиб, уларнинг панд-насиҳатларидан керакли хулоса чиқаришдир. Ўзидаги ёмон иллатлардан иложи борича тезроқ қутулмоғи даркор, акс ҳолда йиллар қуюн мисол ўтиб кетади, умр интиҳосида эса иллатлар гирдобидан чиқиш амри маҳол бўлади:

**Биравким хирадманднинг нуктасин**
**Қулоғига осмас, не нуқсон мунга.**
**Жавоҳирни термак анга саъб эса,**
**Эрур сочмамағлиғ худ осон мунга.**

Улуғ шоиримизнинг ҳаёт фалсафаси ва таълимоти даврлар ўтса ҳам ўз долзарблигини йўқотмайдиган, ҳатто бугунги кунда ҳам барчамиз учун дастуруламал бўлиш даражасида тарбиявий аҳамиятга эга бебаҳо манбадир. Навоий асарларининг асрлар оша бизнинг давримизгача тиллардан тилларга, диллардан дилларга кўчиб, ўз машҳурлигини йўқотмай келаётганлиги, бир сўз билан айтганда, Алишер Навоий буюклигининг сири ҳам мана шунда!

# ИККИ ДИЛ ИҚРОРНОМАСИ

*Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан таниқли адиб Абдусаид Кўчимовнинг "Бинафша" номли ҳикоя ва қиссалар тўплами чоп этилди. Биз тўпламдаги "Бинафша" ҳикоясини таҳлилга тортишга уриндик. Аслида, бинафша — рамз. Бинафша баҳорнинг энг шукуфта эрка гули. Ҳамма унга ошиқ. Мусаввир бўёқлар ичидан биринчи бўлиб бинафша рангини танлайди. Оламу одам сирларини шу рангда сирлайди. Аслида бинафша ўта уятчан гул. Доим боши эгик, бардошли.*

**БИР АСАР ТАҲЛИЛИ**

Ҳикояда Бинафша образини сифатлашда қўлланган бадиий воситалар: ташбеҳ, ўхшатиш, киноя, тавсиф, чизгиларни Абдусаид Кўчимов танлаган услубнинг ўзига хос жилосидан далолат деб тушуниш лозим. Адиб сифатланмиш қаҳрамони билан қадам-бақадам борлиқ олами сайрига чиқиб, бу турфа олам рангидан бир кўркам бўстон яратиб, мухлисларини боғ гаштига чорлайди. Саҳифалар тарҳида сарғайган доғли ўтмишнинг сururли, лаззатли дамлари ва ушалмаган муҳаббатнинг ора йўлда унсиз, адоқсиз армонга айланганини кўрамиз. Ҳақиқатан ҳам, хотира инсонни кўтариб юрувчи қанотли отга ўхшайди. Ётганда ҳам, юрганда ҳам у билан сўзлашасан, у билан дардлашасан, ғам-ғуссага ботганда сирдошинг, дўстинг; шодликда улфатинг, ҳаётда бегумон ажралмас йўлдошинг.

Мана унинг тадрижи икки қалбни яралаб, ўтмишдан қолган унсиз қисматга айланган хотирот: "Тўртинчи қаватга чиқиб келиб, супачада бир лаҳза иккиланиб туриб қолди... ёпиқ эшикларга ҳадиксираб бирров кўз югуртирган асно, жигарранг чарм қоплаган чапдаги эшик тугмачасига қўл узатди. Сезилар-сезилмас очиқ турарди бу эшик авваллари. Деярли эсидан чиқиб кетган ўша ҳаяжон яна ўрай бошлади унинг вужудини. У иккинчи қаватдан оёқ учида кўтарилиб келардию "лип" этиб кириб кетарди қия очиқ эшикдан. "Бир пайтлар қадрдон бўлган ва айни чоғда, худди шу қадрдонлиги билан кўнгилни вайрон қилган уйга қандай кираман? Бекор келдим-ов... Қариганда йўрғаликка бало бормиди, юргандиму тинчгина, эсданам чиқиб кетувди, — койийди ўзини".

Ҳикоя сюжети бўш жойдан олинган тўқима лавҳалар мажмуаси эмас, аксинча, айни чоғда турмуш чорраҳаларида содир бўлган ҳаётий воқеа-ҳодисаларнинг бир бутун йиғма ижтимоий кўриниши сифатида акс этган. Бинафша кечирган изтиробли кунларнинг аччиқ баёни, айниқса, суҳбат давомида улар руҳиятида содир бўлган кўз илғамас изтиробли, поёнсиз, андуҳли тақдирнинг пўртанадек қалқиши, образ ифодасининг ҳаётийлиги адиб томонидан тасвирда қўлланган бадиий унсурлар ниҳоятда ҳаққонийлигидан дарак беради. Хусусан, Бинафша вужудини ханжардек тирнаб, узоқ вақт ором бермай келган дарднинг жонли тасвири ёзувчи ифода усули бадиий қамрови не чоғли уйғунлиги ва қаламининг камалак монанд чизмасидан, маҳоратидан далолат. Эътибор беринг: "Ёлғиз ва бахтсиз, бутун қалбим билан инсон меҳрига зор, эътиборига зор пайтимда ташлаб кетдингиз-а? Нима учун?.. Гуноҳим нима эди? Обрўйингизни тўкдимми, номингизни сотдимми... ёпишиб олдимми?"

Адиб томонидан келтирилган икки дил иқрорномаси фалсафий мушоҳада қийматига кўра, ўқувчи зиммасига ҳавола этилган жумбоқ. Биз учун бу муаммонинг меъёр-ўлчовини аниқлаш осон эмас. Ишқ тантанаси ҳақида ҳеч бир рисола битилмаган, аммо унинг азобли лаззати минглаб дафтарларга ҳам сиғмайди. Демак, бизнинг қаҳрамонларимиз бундан айри эмас.

"— Ҳали ҳаммаси олдинда, ҳали бахтли бўласан, — деб минғиллади Ботир таскин-тасалли бермоқчи бўлиб. Тасалли таҳқирдай таъсир қилди аёлга. Юзларини қўллари билан беркитиб, алам билан йиғлаб юборди".

Юзма-юз мулоқотда рўй берган бу драматик саҳна айни дамда ҳикоянинг кульминацион нуқтаси, айни фурсатда ўта эмоционал руҳий тасвир ҳамдир.

Бинафшани "бир умр майиб қилган" Ботир билан боғлиқ бўлган жумбоқли, мушкул тарихнинг тасвирини ўқирман ёки синчи қанчалик мушоҳада ё тафаккур қилмасин, пировард натижа, хулоса ким ҳақ, ким ноҳақ, деган муаммонинг ечими борасида иккиланиши аниқ. Адиб ҳар бир ҳодисанинг ибтидоси бор, интиҳоси бор, "хазон фасли келиши аниқ," деган тушунчага амал қилиб, моҳирлик билан ошиқларни бир-биридан айиради, чегаралайди.

Ҳижрон азоби Бинафшани исканжага тортиши, ҳатто ўз жонига қасд қилиш даражасигача бориб етганини кўрамиз. Аммо норасида қизининг етим қолиши кўз ўнгидан ўтиб, бу ниятдан қайтади. Ота-боболаримиз қадимдан ана шу бурч, эътиқодга амал қилиб, фарзандни олий неъмат санаб, уни ардоқлаб камолга етказганлар. Адиб ҳам айнан шу муқаддас эътиқодни ҳар қандай кўнгилнинг хуш истагидан юксак тутиб, Ботирни бу ғавғодан узоқлаштиради.

Аксинча, адиб қаҳрамонлар хоҳиши, истагига эрк бериб, кўнгилга эрк берса, бир эмас, икки хато содир қилган бўларди. Адиб чуқур мушоҳадалар уммонида инсон табиати ўта нозик риштлар устида қурилган қалқиб турган арқонли кўприкка ўхшаш эканига ишора қилади. Ҳақиқатда бу дунёнинг кириш эшиги тор, чиқиш дарвозаси кенг. Киришда тамкин диёрига қадам қўйинг, чиқишда гулфом бўстонида манзил қуринг, деб Бинафшани янги оламга олиб киради.

Бинафшанинг янги оламга кириб келиши, камол топиши эса осон бўлмади.

**Исҳоқхон НОСИРОВ,**
**филология фанлари номзоди,**
**доцент**

# ДУРДОНА АСАР ЯРАТГАН АЁЛ

*Яқинда "PRAVO-PRESS" нашриёти томонидан америкалик адиба Маргарет Митчеллнинг "Шамолларда қолган ҳисларим" номли романининг ўзбек тилига қилинган таржимаси чоп этилди.*

*Мазкур романнинг ва бу асар асосида олинган бадиий фильмнинг довруғи жаҳоннинг ҳар бир маърифатли китобхон ва томошабинига маълум. Дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган "Шамолларда қолган ҳисларим" романини ўзбек тилига Роҳила Ахтамова ўгирган. Таржимон бу салмоқли ижодий ишга журъат этиб, Ғарб адабиётининг дурдона асарларидан бирини муносиб тарзда ўзбекчалаштиришни уддалай билган.*



*Газетхонларга машҳур "Шамолларда қолган ҳисларим" романи муаллифи М.Митчелл ва унинг асари ҳақида имкон қадар маълумот бериш мақсадида қуйида россиялик санъатшунос Наталья Буртоваянинг мақоласини жузъий қисқаришлар билан эълон қиляпмиз.*

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ ТАЖРИБАЛАРИ**

Америкалик адиба Маргарет Митчелл томонидан "Шамолларда қолган ҳисларим" романи яратилмаганида, бутун бир даврни кўрсатиб берадиган дурдона асар ҳам бўлмаслигини унутмаслик керак. Бу китоб Америка, нафақат Америка, балки жаҳон адабиёти тарихидаги энг машҳур асарлардан бири саналади. Жаҳон адабиётидаги ўрни ва аҳамияти жиҳатидан "Шамолларда қолган ҳисларим" романи Л.Толстойнинг "Уруш ва тинчлик" романига тенглаштирилади. Бу асар АҚШда жуда кўп маротаба нашр қилинган (фақат дастлабки уч йил ичида қирқ саккиз марта). Ҳақиқий бестселлер даражасига кўтарилган китобнинг муаллифи сифатида тарихда қолган бу аёл атиги 48 йил умр кўрди.

Маргарет Митчелл 1900 йилнинг ноябрь ойида, романда тасвирланган кўплаб воқеалар содир бўлган Атланта шаҳрида дунёга келди. Бу шаҳарни "Америка Жанубининг юраги" деб аташади. Маргаретнинг отаси Юджин – адвокат, ойиси Мейбл – Атлантанинг илк ледиларидан бири эди. Маргарет (оилада уни Пегги деб чақиришарди) ойисидан ғайрат-шижоат ва сариқ сочларни мерос қилиб олганди. Эҳтимол, сариқ сочли қизлар – ўт-оловли хилқат, дейишлари бежиз эмасдир.

"Шамолларда қолган ҳисларим" романининг яратилишига оддий бир воқеа сабаб бўлган. Ўсмирлик пайти отда сайр қилиб юрган Маргарет отни тўсиқ устидан сакраб ўтишга мажбурлаган ва отнинг устидан қулаб тушган. Оқибатда тўпиғи лат еб, махсус пойафзал кийиб юришга мажбур бўлган. Йиллар ўтиб бу жароҳат оғир асоратга олиб келади: Маргаретда артроз хасталиги аниқланади. У бир йилча юролмай қолади. Мажбуран уйда ўтириб қолгани боис зериккандан қўлига илинган китобни ўқиб чиқарди. Айнан ўша паллада унинг миясига: ишқ-муҳаббат ва тарихий мавзуларда китоб ёзиш уларни ўқигандан кўра мароқлироқ, деган фикр келади. Болалигида Маргарет бувисидан Американинг жанубий ва шимолий штатлари ўртасида бўлиб ўтган фуқаролар уруши, янки аскарлари ва жангчи-конфедератлар ҳақида жуда кўп ҳикоялар эшитганди... Ойиси унга уруш домига тортган хонадонлардаги вайроналар изини – қоп-қора мўрилар ва куйиб кулга айланган харобаларни кўрсатганди. Маргаретнинг ҳар икки томондан боболари бу урушнинг фахрийлари эдилар. Бу ҳикоялар ўз-ўзидан бўлажак роман учун хомашё вазифасини ўтайди. Қисса марказида эса, албатта, қаҳрамон қиз бўлиши лозим эди...

"XX аср Америка адабиётида Скарлетт О'Харадан кўра жонлироқ характер йўқ, – дейилади асар ҳақидаги мақолалардан бирида. – Китоб муқоваси чегарасидан ҳатлаб ўтган, китобхонларни ўз тақдири учун изтироб чекишга мажбур этиб, мамлакат бўйлаб юриш бошлаган бошқа бундай қаҳрамонни топиш амримаҳол." Скарлетт образи чиндан-да миллионлаб китобхон аёллар кўнглига яқин бўлиб қолди. Қайсар ва тантиқ, бироқ кучли ва шиддаткор, ҳар қандай вазиятдан чиқиш йўлини топишга ҳозир ва қодир, на севги-муҳаббат бобидаги омадсизликлар, на ота-онасининг ўлими, на уруш даҳшатлари иродасини буколмаган, томирида ирланд қони оқаётган (илдизи ирландларга бориб тақаладиган) зангор кўзли гўзал...

"Шамолларда қолган ҳисларим" 1936 йилнинг 30 июнида дунё юзини кўрди. "Бу китоб бошқа ҳар қандай мумтоз асардан яхшироқ ёзилган, деб қўрқаман", деган эди роман ҳақида машҳур фантаст Герберт Уэллс. Роман ҳайратланарли даражада муваффақият қозонади. Маргарет Митчелл ўзининг машҳур шахсга айланиб кетишини ҳатто хаёлига ҳам келтирмаганди. Унга китобхонлардан минглаб мактублар келар, ундан дастхат олиш учун навбатда турган одамлар қатори бир мавзедан наригача чўзилиб кетарди.










Китобхонлар унинг Скарлеттини қандай қабул қилишганини кўриб, Маргарет ҳангу манг бўлиб қолди. Роман кун сайин машҳур бўлиб борарди. Америкада чиқадиган барча газеталар – ҳеч бир истисносиз – китобни улкан адабий воқеа, деб таърифларди. "Гениал ёзувчи", "ўз даврининг истеъдодли муаллифи", "буюк қобилият эгаси" – булар Маргарет Митчеллни матбуот тақдирлаган таърифларнинг ҳаммаси эмас. Чоп этилганидан кейин бир йил ўтиб "Шамолларда қолган ҳисларим" романи миллий бестселлерга айланди, яна бир йилдан сўнг Маргарет Митчелл энг нуфузли Пулитцер мукофотига сазовор бўлди.

Роман ақл бовар қилмайдиган даражада кўп нусхаларда чоп этилганига, даромад ортиб бораётганига қарамай, Маргарет Митчелл камтарин инсонлигича қолди, у арзон кийимлар кияр, дабдабали автомобиллар ва ҳовли-жойлар сотиб олмасди. Романининг бу қадар тез ва кўп нусхада сотилиши Маргарет Митчеллга унчалик ёқмади. У ўзи ҳақида фильм олишларини рад этди, романдаги образлардан реклама мақсадида фойдаланишларига розилик бермас, романдан мюзикл яратишларига йўл қўймасди. Аммо романни экранлаштиришга қаршилик қилмади.

Роман ва унинг экранлаштирилиши катта муваффақият қозонганига қарамай, роман муаллифи Маргарет Митчелл эмас, китобни унинг эри, акаси ва нашриётнинг бадиий муҳаррирлари ёзган, деган гумондорлар ҳам топилди. Маргарет Митчелл ўн йилдан ортиқ вақт давомида бундай миш-мишларни рад этиб, ноҳақ айбловларни бартараф этиб келди. Бу айбловлар уни қаттиқ ранжитар, чунки Маргарет болалигидан ҳамма нарсадан кўра кўпроқ уни кўчирмачиликда айблашларидан қўрқарди. Тўққиз ёшлигида отаси унга: "Ёдингда тут, Пегги, плагиатлик – ўғриликнинг худди ўзидир!" деганди. Шу сабабдан Маргарет ўз васиятномасида вафотидан сўнг "Шамолларда қолган ҳисларим"-ни бошқа ҳеч ким эмас, фақат ўзи ёзганини исботловчи материалларни сақлаб қўйишларини тайинлаганди.

1949 йил 11 август куни Маргарет Митчелл эри билан кинотеатрга йўл олади. Эр-хотиннинг ҳафтада бир-икки марта кинога тушиш одати бор эди. Ўша куни кечқурун Маргарет ва Жон машинани тўхташ жойида қолдириб, роман босилиб чиққанидан сўнг Атлантада энг машҳур кўчага айланган Шафтолизор кўчасидаги кинотеатрга қараб юрдилар. Йўлакка бор-йўғи бир неча қадам қолганида бехос муюлишдан жуда катта тезликда такси учиб чиқади. Айтишларича, ҳайдовчи маст бўлган ва машинани ҳеч қандай қоидага риоя қилмаган ҳолда бошқарган. Жон чап беришга улгуради, Маргарет эса улгурмайди... Жуда оғир жароҳат олган Маргаретни касалхонага олиб боришади, у беш кундан сўнг – 1949 йилнинг 16 августида оламдан ўтади.

Маргарет Митчелл жаҳон адабиёти тарихида ва инсонлар хотирасида "Шамолларда қолган ҳисларим" романининг муаллифи сифатида мангуга қолди. Ҳеч шубҳа йўққи, бу асарни ҳали кўплаб авлодлар қўлларидан қўймай ўқийдилар, роман асосида келажакда қайта-қайта фильмлар суратга олинаверади. Маргарет Митчеллнинг ўзи роман ҳақида: "...бу аслида мутлақо оддий одамлар ҳақидаги оддийгина қисса. Унда нозик услуб ҳам, фалсафа ҳам йўқ, тасвир ҳам жуда кам, чуқур мушоҳадалар ҳам, яширин маънолар ҳам, ҳеч қандай рамз ҳам, шов-шувга сабаб бўладиган ҳеч қандай воқеа ҳам йўқ – қисқаси, бошқа романларни бестселлерга айлантирган бирор нарса йўқ", деб ёзганди. Лекин биз биламизки, ҳеч нарса ҳеч қачон инсон қалбига ҳар биримизга жуда ўхшайдиган оддий одамлар ҳақидаги бу қиссадек яқин бўлмаган. Эҳтимол, шунинг учун ҳам "Шамолларда қолган ҳисларим" китоби ва фильми ҳар доим долзарб бўлиб қолаверади. Ҳатто кўп йиллардан сўнг ҳам улар жаҳон адабиёти ва кинематографиясининг дурдонаси, деб аталиши шубҳасиз.

**Наталья БУРТОВАЯ**

*Рус тилидан Роҳила Ахматова таржимаси*

*27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни*

**Сирожиддин САЙЙИД,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## ҲАЁТ КЎЗГУСИ

**Гарчи кўп бўлса-да аймоғи, насли,**
**Бу ёруғ дунёда ёлғон оз яшар.**
**Миллат газетадан бошланар асли,**
**Газета рост ёзса – миллат рост яшар.**
**Неча авлодларнинг сабру саботи,**
**«Ўзбекистон адабиёти...»**

**Тонг чоғи боғлиқ тил, боғлиқ бел билан,**
**Кетмонни елкага олиб кетган сен.**
**Каззоб замонларда юпун эл билан,**
**Сўлғин далаларда заҳар ютган сен.**
**Сенда шу тупроқнинг унди фарёди,**
**«Ўзбекистон адабиёти...»**

**Кимлар яшар эди халифалардай,**
**Орол қурир эди – чорасиз, абгор.**
**Бағри ғижимланган саҳифалардай,**
**Қон ютган муҳаррир, мухбирларинг бор.**
**Сенда япроқ ёзди элнинг муроди,**
**«Ўзбекистон адабиёти...»**

**Жўр бўлиб гоҳ мумтоз хонандаларга,**
**Кўнгил торларини чертган навосан.**
**Очиқ ойналардай – хонадонларга**
**Уфуриб киргувчи тоза ҳавосан.**
**Руҳ ва кўнгилларнинг савту баёти,**
**«Ўзбекистон адабиёти...»**

**Сенда йўргакланди қанчалар адиб,**
**Не-не шоирларнинг тилаги бўлдинг.**
**Маърифат тарқатиб, зиё тарқатиб,**
**Ўзинг ҳам юртнинг бир бўлаги бўлдинг.**
**Ҳазрат Навоийнинг абадий ёди,**
**«Ўзбекистон адабиёти...»**

**Келди тошқин солиб охир Ҳуррият,**
**Эккан кўчатларинг мангу сўлмагай.**
**Яшнаб камол топса ҳар бир ҳур ният,**
**Адабиёт ўлмас, санъат ўлмагай.**
**Она тилимизнинг оби ҳаёти,**
**«Ўзбекистон адабиёти...»**


*Содиқ Маҳкамов олган сурат*

**Ҳали Ватан учун керак чинорлар,**
**Чин қалблар, қошу кўз, киприклар керак.**
**Муҳташам сўзлардан тиклаб бинолар,**
**Шеърлардан йўл билан кўприклар керак.**
**Сен ҳам Истиқлолнинг уйғоқ зурёди,**
**«Ўзбекистон адабиёти...»**

*(2005 йил.)*

# КАСБИГА СОДИҚ ИНСОН



Содиқ аканинг исмини билиб кўйишган экан...

Адашмасам, ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўрталари эди. Наманагандан сафардан қайтаётгандик. Машина бир қишлоқнинг ўнқир-чўнқир йўлларидан ўтиб борар экан, орқа ўриндиқда ўтирган фотомухбиримиз Содиқ ака Махкамов ҳайдовчидан машинани бир дақиқага тўхтатишини илтимос қилди. Ҳайдовчи тормозни босиши билан у шошиб тушди-да, кўлига фотоаппаратни олганча юриб кетди. Ўн-ўн беш қадам юргач тўхтаб, тик туриб, тиззалаб, ўтириб нималарнидир суратга туширди. Келиб машинага ўтирганидан сўнг нимани суратга олганини сўрадим.

– Эртага кўрсатаман, – деди Содиқ ака.

Ҳақиқатан ҳам, эртаси куни Содиқ ака сафарда олган суратларини ишлаб олиб чиқди. У пайтларда рақамли фотоаппаратлар қаёқда дейсиз. Кўлида турган бир даста оқ-қора суратлар орасидан биттасини ажратиб олди-да, менга кўрсатди:

– Мана, кеча йўлда тўхтаб олган суратим.

Тўғриси, суратни кўриб ҳайрон қолдим: от уй томида турарди.

– От томда эканми? – сўрадим ҳайрон бўлиб.

– Яхшилаб қарасангиз, отнинг қаерда тургани кўринади.

Яхшилаб қарасам ҳам отнинг қаерда турганини кўролмадим. Шунда Содиқ аканинг ўзи суратни қандай олганини тушунтириб берди. Унинг айтишича, уйнинг ортида катта тепалик бўлиб, от шу тепалик устида ўтлаб юрган экан. Биз тўхтаб суратга олган жойдан қараганда от худди томда тургандек кўринаркан. Содиқ ака йўлда келаётганимизда бу ҳолатни кўриб қолиб, машинани тўхтатиб, манзарани суратга олган. Мен ўшанда Содиқ аканинг ҳақиқий ижодкорлигига, тенгсиз сураткашлигига яна бир бор тан бердим. Бошқа одам бўлганда бу манзарага эътибор ҳам бермай ўтиб кетган бўларди.

Бугунги кунда кексалик гаштини сураётган моҳир сураткаш, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Содиқ Маҳкамов, ҳақиқатан ҳам, ўз ишининг устаси. У ярқ этган манзарани кўрса, дарҳол фотообъектив хотирасига муҳрлайди. Энг асосийси, у фотоаппарат тугмасини қачон ва қандай ҳолатда босишнинг ҳадисини олган.

Мен ёзаётган ушбу таассуротлар ҳозирги ёш журналистлар, фотомухбирлар учун оддий ҳолдек туюлиши мумкин. Аслида ўша пайтларда рақамли фотоаппаратлар йўқ, суратлар аввал плёнкага олинар, кейин фотоқоғозга ишланарди. Плёнка ҳам, фотоқоғоз ҳам арзон эмас, бунинг устига сифатлиси ҳар доим ҳам топилавермасди. Шу боис таҳририятлар фотомухбирларга плёнка ва фотоқоғозни ўлчаб берарди. Фотомухбир битта сифатсиз сурат олса, плёнканинг битта кадри бекорга кетарди. Шунинг учун улар ҳамма нарсани ҳам суратга олавермасди. Содиқ ака ҳам шундай шароитда ишларди.

Содиқ Маҳкамовнинг фотоархивидан ўтган асрнинг эллигинчи йиллари охиридан янги аср бошларигача бўлган Ўзбекистоннинг салкам ярим асрлик маданий тарихи ўрин олган, десак асло хато бўлмайди. У фаолиятини бошлагандан нафақага чиққунига қадар, 2005 йилгача фақат бир жойда – “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” таҳририятида ишлади. Шу газетада мен ҳам бир неча йил масъул котиб бўлиб хизмат қилганман. Газетанинг навбатдаги сони режалаштирилгандан сўнг Содиқ ака иккимиз режани яна бир қайта кўриб чиқардик. Қайси материалга қандай расм кераклигини белгилаб олардик. У пайтларда бугунгидек исталган суратни излаб топиш мумкин бўлган интернет йўқ эди. Шундай бўлса-да, Содиқ ака ҳар бир мақолага мос сурат топарди. Чунки у кишининг архивида замондош ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, рассомлар, умуман, маданиятга алоқадор кишиларнинг кўплаб суратлари бор эди.

Содиқ ака билан баъзан учрашиб, баъзан телефонда гаплашиб турамиз. У бугунги фаровон ҳаётимизга шукроналик келтирар экан, шу касбни танлаб адашмаганини кўп такрорлайди: “Шу касб туфайли Ғафур Ғулом, Ойбек, Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним, Саодат Қобулова, Олим Хўжаев, Шукур Бурҳонов, Раззоқ Ҳамроев, Наби Раҳимов, Ўрол Тансиқбоев каби кўплаб буюк инсонлар билан учрашдим, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Иброҳим Ғафуров каби кўплаб ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, рассомлар билан мулоқот қилдим, дўстлашдим. Улар ҳаётидаги энг яхши, энг унутилмас лаҳзаларни абадиятта муҳрладим. Шундай оддий касб эгаси учун бундан ортиқ бахт борми?!”, — дейди фахрланиб.

Ҳа, Содиқ ака тўғри айтади, унинг касби оддий, лекин шарафли. Чунки у салкам қирқ йиллик маданий тарихимизни суратларга муҳрлаган том маънодаги санъаткордир.

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист**



















*Ёшу қари — кўпчилик радиопостановкаларни севиб тинглайди. Бугунги суҳбатдошимиз — сара радиопостановкалар ижодкори, моҳир радиорежиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Гулчеҳра Ғиёсова. Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида киномуҳандислик институтида ва Тошкент давлат санъат ва маданият институтининг режиссёрлик бўлимида ўқиган. У “Учрашув”, “Клеопатра”, “Сеҳрли кўза”, “Хазонрезги”, “Яхшилик”, “Тоҳирнинг Зуҳроси”, “Олис юлдузлар”, “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар”, “Дониш қишлоқ латифалари” каби кўплаб радиопостановкалар муаллифи.*

**Гулчеҳра ҒИЁСОВА:**

# РАДИОРЕЖИССЁР КИМЛИГИНИ БИЛАСИЗМИ?

***— Маълумки, режиссёрлик мураккаб соҳа. Радиорежиссёрлик ҳам бундан мустасно эмас. Сиз иш жараёнида қандай қийинчиликларга дуч келасиз?***

— Радионинг мураккаб томони шундаки, ҳар қандай ижод намунаси тингловчи хаёлидан ўтиши керак. Эшиттиришни ким тинглайди: уй бекалари, болалар, талабалар, қариялар. Радиопостановка яратаётганда актёр ҳам, режиссёр ҳам воқеликни ҳис қилиши ва тасаввур этиши керак. Шундагина ижро юракдан чиқади ва тингловчи ҳам уни тасаввур этиб, тинглай олади. Ҳозирги кун тингловчилари воқеалар кескинлигини ва тезликни талаб қилади. Агар асарда кириш қисми чўзилса, тингловчини ўзига тортмаса, бошланишиданоқ радиони ўчириб қўйишади ёки бошқа тўлқинга ўтишади. Асосий мақсад ҳам тингловчини каналда ушлаб қолиш ва унга асарни тўла-тўкис етказиб беришдир. Эшиттиришда бошиданоқ аниқлик бўлиши керак. Қаҳрамонлар сони ҳам кўп бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда тингловчи миясида барча овозларни ушлаб қололмайди. Масалан, бош қаҳрамоннинг бешта эмас, иккита оғайниси бўлсин ва шу бешта оғайнининг сўзини иккаласи айтсин. Театрда саҳна ҳаракатлари, қарашлар, юришлар ва ҳоказолар бор. Аммо радиода буларнинг барчасини овоз бажаради, соҳанинг қийинчилиги ҳам шунда. Беихтиёр ёдимизга 1000 йил илгари яшаган хитойлик файласуф Ван Сининг сўзлари келади: “Юз марта эшитгандан, бир марта кўрган яхши”. Демак, радиоходимлар материални шундай етказиб бериши керакки, тингловчи уни кўргандай бўлсин, хаёлан тасаввур қилсин. Бунинг учун радиоэшиттириш ёки радиоасарлар қисқа, аммо тушунарли бўлиши лозим. Энг катта қийинчилик ҳам шунда, аслида. Аммо радиода ўзига яраша имтиёзлар ҳам бор. Масалан, қаҳрамонларни истаган жойингизга: Хитойга, Ҳиндистонга, чўлга ёки тоғга юборишингиз мумкин. Театрда бунинг иложи йўқ. Радиода асосий урғу диалогга тушади.

***— Радиопостановка яратилиш жараёнида нималарга эътибор берасиз? Қайси ижодкорларнинг асарларига мурожаат этасиз?***

— Ҳар бир асарни қўлимга олганимда уни бир неча марта ўқиб чиқаман. Дастлаб асар сюжети билан танишаман. Кейинги ўқиганимда актёрлар кўз олдимга келади. Сўнгра мусиқа танлайман. Ҳар бир режиссёрнинг ўз услуби бўлади. Масалан, Равшан Қодиров шовқинлар билан ишлайди, бошқа бир режиссёр эса жанг саҳналарини афзал кўради. Мен тингловчини ҳар бир асарга мусиқа билан олиб кириб, мусиқа билан олиб чиқаман. Шунда тингловчи асарни бемалол тасаввур эта олади ва эркин мушоҳада юритади. Демак, асарга мос мусиқа танлаш ҳам қийин жараёнлардан бири. Масалан, Чингиз Айтматовнинг “Жамила” асарига Бетховеннинг сонатасини қўйиб бўлмайди. Ўз асарларимни мусиқасидан танийман. “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар”ни овозлаштираётганда, биласизми, нима қилганман: асарга яна бир қаҳрамон киритганман. Соҳил. Денгиз шовқини. Эшкак овози. Сокин мусиқа. Тўрт йўловчи (улар орасида ёш болакай ҳам бор) қайиқда балиқ овлаш учун йўлга чиқишган. Узоқдан қизалоқ (киритилган қаҳрамон) овози келади: “Оқ йўўўўл! Мен сени кутамааан!” Шу билан асар бошланади. Асар давомида барча бирин-кетин ҳалок бўлади. Ёлғиз болакай омон қолади. Асар сўнгида охирги сувини ҳам ичиб тугатган, силласи қуриган болакай қулоғига олисдан шундай овоз чалинади: “Улааааар келиииишдииииии!” Бу уларни кузатиб қўйган ўша қизалоқ эди.

**УЧРАШУВ**

Мен сценарийни қўлимга олганимда, албатта, муаллиф билан бирга ишлайман. Иш жараёнида қайсидир саҳналар қисқаради, қайсиларидир чуқурлаштирилади. Масалан, Миразиз Аъзам билан ҳамкорликда “Синов кунлари” асари ёки Кутлибека Раҳимбоева билан “Тоҳирнинг Зуҳроси” асарлари шундай дунёга келган.

Бир воқеа ёдимда: ёзувчи Эркин Усмонов билан биргаликда ишлаган чоғимизда, Эркинжон менга чет эл адибининг асарини таржима қилиб, радиопостановка учун берадиган бўлди. Асосий қаҳрамонлар кекса эр-хотин. Чол-кампирнинг болалари уларни қариялар уйига бир-бирларидан ажратган ҳолда жойлаштиришади. Шу кунга қадар бир-бирига қаттиқ боғланиб қолган чол-кампир изтиробда... Эркинжон гапириб берар экан, кўз олдимга Наби ака Раҳимов ва Яйра Абдуллаева келди. Дарҳол актёрлар билан боғландим. Маълум бир сабабларга кўра матн сал кечикди. Наби ака: “Гули, қачон чақирасиз, қачон ишлаймиз”, деб сўрайверди. Ниҳоят, Эркинжон матнни берди ва... хабар келдики, Наби ака вафот этибди. Мен... бу асарга қўл уролмадим. Чунки бу ролни радиода ҳам фақат Наби ака ижро этиши керак эди. Актёрда гап кўп. Масалан, менга Афзал Рафиқов, Шоҳида Узоқова, Ҳожиакбар Нурматов, Фарзиддин Фаёзов, Файзулла Аҳмедов, Диас Раҳматов, Шоҳида Исмоилова, Маҳмуд Исмоилов, Фатхулла Маъсудов, Муҳаммаджон Хўжаев, Боир Холмирзаев билан ишлаш мароқли бўлган.

***— Гулчеҳра Ғиёсова радиога нима берди ва радиодан нима олди?***

— Ижод кишиси ҳеч қачон ўзидан ёки ўзи қилган ишидан тўла қониқмайди. Мисол учун, ҳозир “Хазонрезги”ни эшитсам, эҳ, бу жойини бунақа қилсам бўларкан, бу жойига мана бунақа мусиқа қўйсам бўларкан, дейман. Қайси асаримни эшитсам доим камчилик топаман. Мен ҳали радиога бермоқчи бўлганларимнинг ҳеч бирини тўлиқ беролмадим, ҳали камчиликларим бор. Ўзим радиодан нима олдим? Тил ўргандим. Олдин иккита сўзни эплаб гапира олмасдим. Ҳозир, қаранг, қандай гапираман. Радиодан жуда миннатдорман. Жуда катта мактаб бўлган. Яхши куйларни эшитиб, ўша ёшлик оламимга қайтаман, онам чертган дуторларни эшитгандай бўламан.

**Шаҳрибону ФАРМОНОВА**
**суҳбатлашди.**

Ойбек ҲАКИМОВ

# КАЪБА КАБИ ЮЗИМ БУРАР ТОМОНИМ



## Ватан сурати

Бўғриққан саратон тин олар аста,
Бужур тол тўшаган қалин сояда,
Найнинг майин товши таралар хаста.

Кекса чол сукутга чўкар хаёлчан,
Олис хотиралар майин элитар,
Сойда сув кечади бола сарпойчан.

Иссиқ чойни шошиб пуфлар шаббода,
Оппоқ табассум-ла чорлар дастурхон,
Хуш бўй таратади ўчоқ оловда.

Чумоли карвони чопар новдада,
Қанотини сувга чаяр ниначи,
Шалола шовуллаб куйлайди новда.

Боғларнинг қучоғи мевага тўлиқ,
Майсада думалаб ётган олмалар,
Нафис бармоқларни кутади интиқ.

Тилларанг тўлқинда сузар буғдойзор,
Узоқ- узоқларда жимирлар сароб,
Қирлар шом салқинин кутар интизор.

Чавандоз оғзидан учади ялла,
Тупроқ йўл боладек кўтаради чанг,
Жўр бўлар қирдаги той ҳам баралла.

Бошида дўппидек қора қоятош,
Асрий сукунатда боқади тоғлар,
Кўксида яширин минг йиллик бардош.

Бургут сассиз қўнар баланд қояга,
Нигоҳи ўзбекнинг кўзидек мағрур,
Заминда матонат етар воягa.

Юксак чўққиларга парвоз этар у,
Ноғора мисоли чақар қалдироқ -
Бу ўчмас тарона янграгай мангу.

## Она тилим

Чашма мисол чўққи узра
шарқираган равоним бу,
Алла бўлиб жонга кирган
она тилим, забоним бу,
Қучоғида маржонларин ниҳон
тутган уммоним бу,
Зимистонда карвонини нурга
элтган сарбоним бу,
Сомон йўли бўлиб кўкда
яркираган тобоним бу,
Қўлларимда яроқланган кескир
тиру камоним бу,
Кўнглим ичра улуғ меҳроб ҳамда
ирфон жавоним бу,
Онажоним забони бу,
дилимдаги ризвоним бу,
Қайда бўлсам, Каъба каби,
юзим бурар томоним бу!

## Изҳор

Дарё, сени дўст тутсам,
Шавқингда шаҳдам турсам,
Лек ирмоққа юз бурсам,
Оқиз мени йироққа.

Осмон, сени дўст тутсам,
Лек муҳтожни унутсам,
Нокасга қўлим тутсам,
Дилни тўлдир титроққа!

Тупроқ, сени дўст тутсам,
Сенингдек содда ўтсам -
Тулкидан ростни кутсам,
Ботиб тургил куракка!

Чақмоқ, сени дўст тутсам,
Кўзни юксакка тиксам,
Лек зулматда нур кутсам,
Чақмоқ йўлла юракка!

Кўнгил, сени дўст тутсам,
Юракдан сўзни узсам,
Сўнг уни ичга ютсам,
Етказмагил тилакка!

## Онажонимга

Жаннатни пойингга тутмиш Худойим,
Икки жаҳон ичра кўнгли баҳорим,
Бешов жонга бўлдинг тамом фидойи,
Жаннатий ифорим, онаизорим.

Доим ҳам дардингга бўлмадим малҳам,
Тўзғиган умримда дурру туморим –
Не-не балолардан асраган маҳкам,
Жаннатий ифорим, онаизорим.

Кавсарим эрурсан ҳаёт боғимда,
Тутасан меҳрингни оғриса жоним –
Дуогўй фариштам жон бутоғимда,
Жаннатий ифорим, онаизорим.

Икки олам аро равзаи тахтим,
Бўлайин пойингнинг зарра ғубори.
Қалбингдан уфурар ҳаётим тафти,
Жаннатий ифорим, онаизорим!

## Қайтиш

Меҳмон қайтаверар, мезбони қани?
Висол машаққатдир, осони қани?
Дийдору видонинг мезони қани?
Қолганлар билмади, билганлар йўқдир,
Бунда фурсат асли шайланган ўқдир.

Янграган созлару давронлар қани?
Вайрона маконда хандонлар қани?
Бу савдо узра лол-ҳайронлар қани?
Қолганлар билмади, билганлар жимдир,
Тириклар мудроқда, бедорлар кимдир?

Мен деган устуну посбонлар қани?
Ютгану юқмаган ўпқонлар қани?
Яхшига қўйилган қопқонлар қани?
Қолганлар билмади, билган айтолмас,
Бу эски работга энди қайтолмас.

Хазонни билмаган макони қани?
Тозариб гулламоқ имкони қани?
Сабрга санчилган тикони қани?
Қолганлар билмади, билганлар айтар:
Қайтгувчи аслига — туробга қайтар.

## Тикон

Думалаб бормоқда шамол йўлида
Типратикан каби, қуриган тикон.
Дарбадар дарвешдек тақдир қўлида,
Манзили ноаён ҳамда бенишон.

Ечган у кўкламнинг фоний кўйлагин
Ва боқий манзилга юзланган ёлғиз.
Қўй, кўнгил, унинг-чун бунча куймагин,
У энди ортига қайтмас, минг афсус...

Абдуғани СУЛАЙМОН



## Бобур ғазалига мухаммас

Дил шарҳини кўз ёш-ла битмоқ керак,
Дунёнинг ишқидан жонни совутмоқ керак,
Қайғусини сабрда ютмоқ керак,
Ўзни, кўнгил, айш ила тутмоқ керак,
Бизни унутқонни унутмоқ керак.

Ҳарне балоларга кўкракни кериб,
Қон ичра умидлар гулини териб,
Тонгнинг нигоҳида зулматни ёриб,
Айшу тараб гулбунига сув бериб,
Ғусса ниҳолини қуритмоқ керак.

Излаганга топилгандир бахт, сурур,
Изтиробдан юзни қуёш сари бур,
Сабр қилсанг ғўрадин ҳалво битур,
Ҳар нимага ғам ема, ғам кўп турур,
Айш ила ўзни овутмоқ керак.

Асли кулол ишқидандир обу гил,
Япроғин хат айламиш маъшуқ гул,
Не наво соз айлагайдир булбул,
Тийрадурур зуҳд дамидин кўнгул,
Ишқ ўти бирла ёрутмоқ керак.

Ғам-аламнинг тошидан оғир кўнгул,
Эй Ғани, санда эрур сабир кўнгул,
Безмагайми ғам аро охир кўнгул,
Қўйма машаққат аро, Бобур, кўнгул,
Ўзни фароғат била тутмоқ керак.

## Дўстпарвар

Кимдир бу ҳаётда шон-шуҳрат йиғар,
Ва кимдир йиғади тинмай мол-дунё.
Мен эса дўст излаб чарчамайман ҳеч,
Гўё мени дўст-чун яратган Худо.

Ҳар тонгда қалбимни нурларга чўмиб,
Майса-гуллар билан суҳбат қураман.
Тоғлар чорлагани каби сабони,
Дўстларни чорлашни яхши кўраман.

Йиллар тошқин дарё — ўтаверсинлар,
Гоҳо бахтиёрман, гоҳ кўнглим ярим.
Менинг шодлик, ғамда топган ҳикматим,
Фақат дўстлар билан тўладир умрим.

Дўстдан бир тамаъ кутганим ҳам йўқ,
Улар билан бутдир бор каму кўстим.
Юрагимга майин шивирлар қуёш,
Мени тушунгувчи ҳар кимса — дўстим.

Ўтган, ўтаётган кунларим учун,
Шукрона айтаман ягона ёрга.
Тилагим — ағёрим дўст бўлсин, аммо
Дўстим айланмасин ҳаргиз ағёрга!

## АДАБИЁТ НАДИР?..

Бир гал Бернард Шоудан сиз Инжилни Муқаддас Руҳ ёзган деб ҳисоблайсизми, дея сўрашганда у: “Барча замонларда ўқиладиган ҳар қандай китоб Руҳ томонидан яратилган бўлади”, деб жавоб берган экан. Яъни китоб унинг муаллифидан кейин ҳам умрини давом эттириши керак. Муаллифнинг мақсади – бу инсоний мақсад, холос, ёзувчи адашиши мумкин, бироқ асарда улкан умуминсоний мақсадлар бўлиши керак. Чунончи, “Дон Кихот” – фақат рицарлик романларига киноя эмас. Бу мутлақ мукаммал, яхлит матн, унда тасодифларга ўрин қолмаган.

Хорхе Луис БОРХЕС

***

Гарчи асрлар мобайнида турли-туман механизмлар ясашни ўрганиб олган бўлсак-да, аммо адабиёт қандай яратилишини тушуниб етганимизга шубҳам бор.

Виржиния ВУЛФ

***

Бугун барчага бирдек маъқул бўлаётган фикр-мулоҳазалар – бу кечаги баҳс-мунозаралар, холос.

Томас ЭЛИОТ

***

Нима учун биз ижодкорлар жону жаҳонимизни санъатга бахшида этамиз? Бу саволга фақат битта тўғри жавоб бор:

— Инсоннинг фаровонлиги ва улуғворлиги учун!

Жон ГОЛСУОРСИ

***

Заковатли инсонни ҳаётга буюк эҳтиромидан ҳам таниб олса бўлади.

Виктор ГЮГО

Аҳмад АЪЗАМ



# ҚУЛФ ТИЛИ

НОВЕЛЛА

Одам уйидан чиқди, эшигини беркладн — ўзининг ўрнига қулфни эга қолдирди. Қулф бутун бошли уйга, уйдаги мулкка эга чиққанидан ҳушёр тортиб, эшикни итарса ҳам, тортса ҳам очилмайдиган қилиб, маҳкам тишлаб тураверди.

Уй эгасининг уйда йўқлигидан бехабар одамлар уни йўқлаб келдилар: ундан олган қарзини бермоқчи бўлиб дўст келди, унга берган қарзини олмоққа чоғланиб дўст душман бўлиб келди, унга тегаман деган қиз келди, орани бирёқли қилмоқчи бўлиб жувон келди, меҳмонга чорламоқчи бўлган таниш келди, меҳмон бўлишга чоғланган нотаниш келди, зерикканидан қаерда лақиллашни билмай юрган бир биродари азиз ҳам келиб кетди...

Қулф буларнинг ҳаммасига кўрс муомала қилди, эшикни итарсалар ҳам, тортсалар ҳам маҳкам тишлаб тураверди. Кетинглар, уй очилмайди, деб айтишга ҳам чоғланди, лекин оғзини очса, эшик ҳам очилиб кетишини билиб, жим тураверди.

Одамларнинг ҳар бири эшикни итариб-тортиб кўришди, эгилиб тирқишдан қарашди, балки уй эгаси дунёдан воз кечиб, устидан қулфлаб ётиб олгандир, деб чақириб ҳам кўришди. Унга тегаман деган қиз қачон келишини мен учун бирон қоғозга ёзиб, қистириб кетгандир, деб эшикнинг зийларигача қараб чиқди, келиб қолар балки, деб анча маҳтал турди ҳам.

Биродари азиз: “Ҳой фалончи, мен фалончиман, уйда бўлсанг, кўп таранг қилмай, оч эшикни, зерикиб кетяпман-ку”, деб бақириб ҳам кўрди... Қулф уйда эгаси йўқлигини билиб турса ҳам, уларга тушунтирмади, қани, туёқларингни шиқирлатинглар, демоқчи ҳам бўлдию, аммо шиқирлашдан чўчиди; шиқирлашдан бошқа сўзни ҳам билмас эди, билганда тишининг орасидан бир нарса дерди...

Сўнгра бир мушук келди, эшикнинг зийига мўйловларини суйкади, бу очиладиган туйнукми, очилмайдиганми, деб мушук ақли билан ўйланиб қолди. Мушук вақтини бекорга кетказмайдиган хўп саводхон эди: эшикдан келаётган ҳидларни гўшт, қази, ҳасип, пишлоқ, деб шаррос ўқиб ташлади, айниқса, сичқон деган ҳидни завқ билан мутолаа қилди.

У эшикка ичидаги шундоқ мазали саргузашт устидан ёпилган катта китоб муқовасига қарагандек термилиб, кўп афсусли миёвлади.

Қулф шундоқ ўқимишли мушукнинг илмини назарга илмай, без бўлиб тураверди.

Лўкиллаб бир кўппак ҳам келди. Кела солиб мушукка ташланди. Ҳе йўқ, бе йўқ, бирдан бўлган бу ҳужумдан довдираб қолган мушук пихиллаганча томга отилди.

Кўппак кўчада, мушук томда, дод-муомалани бошлашди.

Тўпори кўппак мушукдан нима ёмонлик кўрганини ўзи ҳам билмай, хўп сўкинди, мушукнинг етти пуштини тупроққа тенг қилди, тарбия кўрган муҳтарам мушук эса бир-икки марта ёзғирди, холос. Дод-муомаланинг мазмуни шундай эди: кўппак мушукка ўзининг кўппак тилида: “Ҳе катта бувангни... хушомадгўй, алдоқчи... сичқонпараст, падари қусур... фалон-писмадон мушук, паст — доим мушуклигингга борасан, пўстинингни бурдалаб ташламасам, кўппак отимни бошқа қўяман”, деб дўқ ураётган, мушук эса: “Пандаваки! Ювиндихўр! Башарангга қара — мушук уялади”, деб мушукчалаб узиб-узиб олаётган эди.

Қулф эса бу ғалвадан боши қотиб, зинграйиб тураверди.

Бу воқеа кўп такрорлангани, сал ўтмай яна қайтарилишини билгани учун кўппак ҳам, мушук ҳам кўп асабийлашмай, шунчаки йўлига манжашиб туришди-да, кейин иккаласи икки томондан: мушук томдан, кўппак кўчадан кетишди.

Гап шундаки, кўппак ҳам, мушук ҳам ўз тилида гапиришган бўлса-да, иккаласи ҳам бир-бирини жуда яхши тушунишарди, чунки иккаласи ҳам бир кўчада яшардилар.

Кўча ҳувиллаб қолди.

Қулф эшикни маҳкам тутиб тураверишдан зерикди. Мен бўлмасам, бу эшик қандай кун кўрар экан, очилиб ёпилаверганидан эси оғиб қолса керак, деб ўйлади.

...Кейин кўзлари аланг-жаланг бир кимса келди, эгилиб қулфга меҳр билан термилди.

Қулф сал бўлмаса, оғиз очиб гапириб юборай, деди. Лекин бу кимса ҳам тилимни тушунмайди, деган ўйда жим қотди.

Кимса бошқаларга ўхшаб эшикни итариб-тортиб кўрмади, эгилиб тирқишдан қарамади, чўнтагидан қулфларнинг сўзи шода-шода тизилган сим ҳалқани чиқарди — бу қулф тилининг луғати эди, шу билан уни гапга солди.

Излай-излай керакли сўзни топди, шу сўзни қулфга оҳиста айттирди... Ҳатто уйнинг эгаси ҳам қулфга бундай юмшоқ муомала қилмас, уни шақир-шуқур қилиб гапиртирар эди...

Бу кимса қулфни шунақа ардоқлаб, шунақа ҳурматини жойига қўйдики... қулфнинг боши айланиб кетди.

Ахир, бу кимса қанақадир тарбиясиз бир кўппак ёки тарбияли бўлса ҳам мушук эмас, ҳатто одам ҳам эмас эди-да!

Бу кимса оддий қулфбузар ўғри эди.

## ҲОФИЗНИНГ СУРАТИ ВА СИЙРАТИ

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Таниқли шоир ва публицист Шукур Дадаш ижодий фаолияти давомида ўқувчилар кўнглини хушнуд этувчи кўплаб назмий ҳамда насрий асарлар яратди. Ўзбекистон халқ артисти Фахриддин Умаровнинг мураккаб ҳаёти ҳамда серқирра ижодига бағишланган бадиаси эса қўшиқ мухлисларига ажойиб туҳфа бўлди.

Шоир яқинда янги рисола тузиб, уни “Халқ ҳофизи” дея номлади.

Китобда муаллиф ҳофизнинг ёрқин сиймосини тасвирловчи, кўшиқчилик санъатини ифода этувчи жўшқин ҳаёти, одамийлик фазилати, гўзал сурати ва сийрати, ҳикматли ўгитларини ҳаётий лавҳалар, унутилмас хотиралар, жонли мисоллар асосида ёрита олган. Эски анъаналардан қочган муаллиф китоб қаҳрамони таърифида фақат машҳур кишилар эмас, оддий халқ вакиллари — турли касб эгалари, чинакам фидойи мухлислар, шогирдлар, қариндошларини сўзлатади. Асар содда, равон тилда ёзилган, ҳар бир эътироф ҳаётий далилларга асосланган. Масалан, Тожикистон халқ артисти Жўрабек Муродов ўз хотирасида устоз ҳофизнинг унга оталарча ғамхўрлиги туфайли санъатга қадам қўйганини изҳор этса, уста ҳунарманд Тоҳир Комилов сўзлаб берган ҳаётий воқеа Фахриддин Умаровнинг ниҳоятда камтарин, ҳар бир инсонга бирдек самимий, дилкашлигидан дарак беради. Китобнинг “Ён дафтардаги битиклар” боби фақат санъаткорлар учун эмас, балки барча инсонлар учун ўзига хос ҳикматларга айланиши шак-шубҳасиз.




Асрол МУХТОРОВ,
Ўзбекистон халқ устаси

Эълон

**“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali” бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога “O‘ZSUVLOYIHA” AJ нинг 2020 йил 22 июндаги 01-01-437-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 1 а-уйда сақланаётган қуйидаги техник носоз автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1) “Daewoo Nexia” русумли 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 063 BCA бўлган автотранспорт. Бошланғич баҳоси – 15 300 000 сўм; 2) “Chevrolet Lacetti” русумли 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 210 SBA бўлган автотранспорт. Бошланғич баҳоси – 38 500 000 сўм; 2) Газель “GAZ 2705 265” русумли 2018 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 318 KFA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 111 500 000 сўм;

Аукцион савдолари 2020 йил 27 июль куни соат 11:00 да ўтказилади. Аризалар 2020 йил 24 июлгача қабул қилинади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2020 йил 27 июль куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 10, 11 ва 25 август кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ “Давр банк” Яккасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 2260 4000 5005 7145 2002, МФО: 01069, СТИР: 200933850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13А-уй.

**Телефон:** 71-237-23-91. www.rmm.uz.

**Гувоҳнома:** 001805.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди уюшма аъзоси, Ўзбекистон санъат арбоби, таниқли ёзувчи

**Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Миллий академик драма театри раҳбарияти ва жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби

**Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

O‘ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN’ATI

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкоримиз: Imzo akfa

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Раҳматилла БЕРДИЕВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 5195. Буюртма Г - 655.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 22.22.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-614X

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42 Санъат бўлими: 233-56-40 Назм ва наср бўлими: 233-58-60